# Амир Темур

## ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

## AMIR TEMUR FROM FOREIGNERS' PERSPECTIVE




AMIR TEMUR
KUCH ADOLATDADUR
СИЛА В СПРАВЕДЛИВОСТИ
STRENGTH IN JUSTICE

*Кимки ўзбек номини, ўзбек миллати куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак.*

*Ислом КАРИМОВ*

*A person who wants to understand Uzbeks, the strength of the Uzbek nation, its justice, unlimited resources and capabilities, its contribution to world development, and on these bases its belief to the future, he/she must represent the great image of Amir Temur.*

*Islom KARIMOV*



ХАЛҚАРО АМИР ТЕМУР ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ
ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ

AMIR TEMUR INTERNATIONAL FOUND
STATE MUSEUM OF TEMURIDS
ASSOCIATION OF UZBEKISTAN WRITERS

# АМИР ТЕМУР ЧЕТ ЭЛЛИКЛАР НИГОҲИДА

# AMIR TEMUR FROM FOREIGNERS' PERSPECTIVE

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи

Тошкент – 2016

## Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Парижда ЮНЕСКО қароргоҳидаги «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» кўргазмасининг очилиш маросимида сўзлаган нутқи

## Speech of the President of the Republic of Uzbekistan I.A.Karimov at the Opening of the Exhibition in the UNESCO Headquarters in Paris

*Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин!*
*Муҳтарам Федерико Майор жаноблари!*
*Хонимлар ва жаноблар!*

Аввало, ўзбек халқининг буюк фарзанди Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталигини ўтказишга эътибори ва мадади учун ЮНЕСКО раҳбариятига самимий миннатдорчилик билдиришга рухсат этгайсизлар.

XIV асрдаги бу буюк шахс шарафига тантаналар Парижда — Европанинг қоқ марказида, тарихнинг ўзи яққол кўриниб турган, маърифат, илм-фан, санъат, абадий гўзаллик шаҳрида бошланаётгани чуқур рамзий маънога эга.

Бугун очилаётган ва Амир Темур ҳамда Темурийлар даврининг улуғвор маданий ютуқларига асосланган кўргазма ўтмиш даврлардаги бебаҳо ёдгорликлар, Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқ ижодиёти намуналари билан танишиш учун ажойиб имкониятдир.

Тарихда «Турон», «Туркистон» ва «Мовароуннахр» номи билан машҳур бўлган Марказий Осиё, айниқса, Ўзбекистон ҳудудида минглаб йиллар давомида юксак маданият гуллаб-яшнади, қудратли давлатлар мавжуд бўлди. Улар инсоният тарихида сезиларли из қолдирди.

*Dear Mr. Federico Mayor!*
*Ladies and gentlemen!*

In the first place, allow me to express my sincere appreciation to the UNESCO Headquarters for their regard and support in the organization of the «Heyday of Science, Culture and Education in the epoch of the Temurids» week, dedicated to the 660th anniversary of the great son of the Uzbek people — Amir Temur.

It is deeply symbolic that the celebration in honour of this most eminent 14th century figure begins in Paris – the heart of Europe over which a spirit of enlightenment, science and eternal beauty reign; in the city where history comes alive.

The exhibition to be opened today is based on the splendid cultural achievements of the epoch of Amir Temur and the Temurids. It represents a perfect opportunity to become acquainted with invaluable artifacts from an earlier age, featuring samples of Uzbek visual and folk art.

In the territory of Central Asia, particularly of Uzbekistan, known in history as «Turon», «Turkestan» and «Maverannakhr», highly developed civilizations flourished and powerful nation-states existed throughout the millennia. They left visible traces in the human history. Thousands of obvious examples testify to the fact that a variety of Uzbekistan's

Ўзбекистон маданиятининг хилма-хиллигини қадимги даврлардан буён турли карвон йўллари, дунёнинг турли томонларидан келадиган савдо-сотиқ, инсоний алоқалар йўллари ва албатта — халқаро алоқалар: иқтисодий алмашув, ҳунармандчилик, фан ва санъат ҳаракатларининг жонли қон томири бўлган Буюк Ипак йўлининг мавжудлиги белгилаб берган.

Қадимги Суғд, Хоразм, Бақтрия, Кушон, Парфия, Эфталитлар подшоликлари жаҳонга буюк мутафаккирлар, олимлар, шоирлар ва меъморларни етиштириб берган диёримизнинг олтин бешигидир.

Ўзбекистон халқи минглаб йиллар давомида барпо этилган улкан маънавий мерос билан фахрланади.

Самарқанд, Тошкент, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термизнинг ноёб тарихий ёдгорликлари, Буюк Шарқ мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, ал-Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Алишер Навоий, Мирзо Улугбек, Бобур асарлари бутун башариятнинг бебаҳо мулки бўлиб қолди.

Бир неча ойдан сўнг Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 5 йиллигини нишонлайди.

Ўтган йиллар ёш республика учун янги давлатчиликнинг қарор топиши, демократик жараёнларнинг ривожланиши, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётининг шаклланиши йиллари бўлди.

Энг муҳими — маънавият манбаларига, миллий илдизларимизга қайтиш, тарихий хотирани, маданият ва маънавиятни қайта тиклаш йиллари бўлди.

Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди.

Бу ерда XV асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга «Европанинг халоскорига» деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган.

cultures in our region stimulated the crossing of different caravan routes and commercial roads, thereby inducing interaction between civilizations from all the sides of the world since time immemorial. Particularly, Uzbekistan's cultures helped spur the existence of the Great Silk Road that vivifying artery of international communication that helped foster economic exchange in various trades, sciences and the arts.

The ancient realms of Sogdia, Khoresm, Bactria, Kushan, Parthia, Ephtalites were those golden cradles of our land that gave the world many highly gifted thinkers, scientists, poets, architects.

The people of Uzbekistan are proud of-their vast spiritual legacy that has been created throughout the ages.

The unique historical monuments of Samarkand, Tashkent, Bukhara, Khiva, Shakhrisabz, Termez, include the works of the great Oriental thinkers-Learned men such as Al-Bukhari, At-Termezi, Ahmad Yassavi, Bakhautdin Nakshbandi, Al-Beruni, Abu Ali ibn Sino, Mukhammad Khoresmi, Ahmad Ferghani, Alisher Navoi, Mirzo Ulugbek. Bobur have become the invaluable property of all of humanity.

Ladies and gentlemen! In a few months, Uzbekistan will celebrate the fifth anniversary of its independence. These last years constituted a time of establishing the new state formation, developing democratic processes, and forming a socially oriented market economy.

These have been years of returning to our sources of spirituality, our national roots, of regaining our historic memory, and reviving our culture and morality.

We are most grateful for the fact that interest in Amir Temur has never decreased in France, Great Britain, Germany and other Western countries.

Yet in the 15th century, there was erected a monument to Amir Temur with an expressive and profoundly symbolic inscription: «To the-Liberator of Europe».

Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди.

Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, Темурийлар даврида фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз.

«Сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш қурол кучидан кўра ўн баравар фойдалироқдир», — деган доно сўзлар Амир Темурга мансубдир. Бу сўзлар ҳозирги тилда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, огоҳлантирувчи дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Амир Темурнинг тарихий хизмати яна шундан иборатки, унинг ҳаракатлари туфайли Осиё ва Европа давлатлари тарихда биринчи марта ягона жуғрофий-сиёсий маконда эканликларини ҳис этди.

Бу фақат улкан афзалликдагина эмас, савдогарлар, халқлар ҳеч қандай тўсқинликсиз ҳаракат қиладиган янги йўлларнинг очилишида ҳам намоён бўлди.

Ўзаро ишонч, ҳамкорлик, умумий муросага келиш мумкинлигига аминлик ўша мураккаб ва жўшқин давр қувончлари ва азобларида вужудга келган асосий қадриятлардир.

Буюк стратег, моҳир сиёсатчи, эскирган ижтимоий муносабатларнинг қатъий ислоҳотчиси, савдо-сотиқ, ҳунармандчилик ва маданиятнинг ҳомийси бўлган Амир Темур «Қонунлар ва урф-одатларга асосланган» давлатни барпо этди.

ЮНЕСКО қароргоҳидаги ушбу кўргазма Амир Темурнинг «Чиндан ҳам ишларимиз бизни кўрсатиб туради!» деган машҳур сўзларини яққол тасдиқламоқда.

Марказий Осиё маданий ва маънавий меросини ўрганиш ҳамда қайта тиклашга доир махсус дастурни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга ЮНЕСКОнинг қўшган улушини Ўзбекистон юксак даражада қадрлайди.

Today, nobody can ignore the fact that it was he who stopped the movement of wild hordes into the heart of Europe and for many years to come stopped other aggressive expansions.

We are proudly aware of the fact that the enlightened Maveratmakhr's spirit and the flourishing of science and art in the epoch of the Temurids greatly influenced the process of the European Renaissance and promoted general global progress.

The wise saying: «Council, circumspection, and deliberation are ten times more useful in politics than the force of arms» belongs to Amir Temur.

In up-to-date language, it means nothing but a solution of debatable problems through political dialogue and preventative diplomacy.

Another of Amir Temur's historic accomplishments is found in the fact that due to his deeds the states of both Europe and Asia appeared to be in a single geopolitical space, perhaps for the first time in their history.

This has proved to be significant not only in great economic advantage, but in the reopened roads for unimpeded traveling of merchants and peoples.

Confidence in mutuality, trust, cooperation and the very possibility of finding common consent were the main things generated in joys and torments of that complicated and stormy epoch.

Being a highly gifted strategist, a skillful politician, a firm reformer of the outdated social relations, a patron of trade, crafts, science and culture, Amir Temur became a creator of a state based «the established laws and customs.» The present exhibition in the UNESCO Headquarters confirms eloquently the winged words of Amir Temur, «Indeed, our deeds speak for us!»

Uzbekistan highly values the UNESCO contribution to the elaboration and realization of the special programme for study and restoration of both the cultural and spiritual heritage of Central Asia.

Бу Ўзбекистон учун, айниқса, қимматлидир. Ўзбекистонда, маълумки, машъум совет даврида кўплаб маданият ёдгорликлари бузиб юборилган, ер билан яксон қилинган эди.

Шу сабабли биз амалга оширилаётган турли лойиҳаларда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудидаги археология экспедицияларида турли мамлакатлар, шу жумладан, Япония ва Франция олимлари ҳамда мутахассисларининг иштирокини жуда қадрлаймиз.

Қўриқхона мажмуаларидаги таъмирлаш ишларида, мамлакатимизда халқаро туризм индустриясини барпо этишда катта ёрдам кўрсатилмоқда.

Хонимлар ва жаноблар!

ЮНЕСКОдаги кўргазма ҳаммангиз учун Ўзбекистонга, Амир Темур Ватанига боришга ўзига хос таклифномадир. Ишончим комилки, меъморий ёдгорликлар, қадимги қўлёзмалар, Туркистон халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша сизларга улуғворлиги ва бадиий шаклларнинг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлик билан завқ бағишлайди.

Улар ақл-идрокни юксакликка кўтаради ва ҳозирги инсон Ғарбдами ёки Шарқдами — қаерда яшамасин, унинг қалбига етиб боради.

Кўз олдингизда очилган кўргазма маънавий ва маданий қадриятлар бизни бир-биримизга яқинлаштирадиган, ҳамжиҳатликка эришишда ёрдам берадиган, ҳамкорликнинг янги уфқларини очадиган бойлик эканини яна бир бор тасдиқлайди.

Амир Темур замонасида яққол намоён бўлган бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бугун бизга яхши намуна бўлиб хизмат қилаверсин.

Қадим-қадим замонларда вужудга келган Буюк Ипак йўли яшайверсин, қайта тикланиб, Шарқ билан Ғарб ҳамжиҳатлигига, тинч ва бунёдкорлик алоқаларига хизмат қилаверсин.

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун мен ҳам қувончли пайтдан фойдаланиб, Франциянинг таниқли олими, профессор Люсьен Керэн Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини, Темурийлар даврининг бой маънавий қадриятларини кўп йиллар

This is a particularly valuable matter for Uzbekistan where, as it is known, many monuments were defaced, even literally demolished during the recent infamous Soviet age.

That is why we greatly appreciate the participation of scholars from different countries, including Japan and France, in the various projects which are under way, including archeological expeditions in the territory of Uzbekistan.

Significant assistance is being rendered in order to carry out the restoration of these many sites.

Ladies an gentlemen! The Exhibition of UNESCO is a kind of invitation for all of you to visit Uzbekistan, the native land of Amir Temur. I am sure that the architectural masterpieces, folios of ancient manuscripts, pieces of Turkestan's folk craftsmen will delight you by their splendour and elaborated artistic shapes, profundity of thinking and creativity, moral purity.

They elevate the mind and penetrate to the very heart of a contemporary men no matter where they may live-in the West, or in the East.

This exhibition testifies once again that the spiriual arul cultural values are things that bring us together, help to come to mutual understanding, discover new horizons of cooperation.

Let the spirit of creation and cooperation, which was inhereted so brightly from the Amir Temur's times, serve us the good example today.

Let the Great Silk Road, which was born in the clistant past, revitalizes and continues to serve to mutual understanding, peaceful and creative dialogue of the East and the West.

Ladies and Gentlemen! Today, I would like to take this pleasant opportunity to inform you about awarding the prominent scientist Lucien Kehren of the high state award of Uzbekistan, «Shukhrat» (Glory) Medal for his long,

давомида самарали илмий тадқиқ этгани, Франция ва Ўзбекистон халқлари маданиятининг яқинлашиши ва ҳамжиҳатлиги ишига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистоннинг юксак давлат мукофоти — «Шухрат» медали билан тақдирланганини маълум қилмоқчиман.

Эътиборларингиз учун ташаккур.

*1996 йил 24 апрель,*
*Париж.*

fruitful scientific researchers on Amir Temur's life and activity, on the rich spiritual value of the Temurid age and for his personal contribution to bringing the cultures together and to mutual understanding of the peoples of France and Uzbekistan!

Thank you for your kind attention.

*24th april 1996,*
*Paris.*

# АМИР ТЕМУР ЕВРОПА АДАБИЁТИ ВА ТАРИХЧИЛАРИ ЭЪТИРОФИДА

## AMIR TEMUR FROM THE PERSPECTIVES OF EUROPEAN LITERATURE AND HISTORIANS

Инсоният тарихида барча жабҳада адолатни устун билган ҳукмдорлар тарихига қизиқиш ҳамиша катта бўлган. Ана шундай зотлардан бири – буюк бунёдкор, илм-фан ҳомийси, юксак ватанпарвар, ўзи барпо этган улуғ салтанатни "Темур тузуклари"дек одилона қонунлари билан мустаҳкамлаган шавкатли ҳукмдор, енгилмас саркарда Амир Темурдир. Бу зоти шариф ҳукмронлиги davридаёқ Шарқни чингизийлар, Европани Усмонийлар асоратидан асраб қолган қаҳрамон сифатида ўз вақтида яратилган китобларда эътироф этилган. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ҳақидаги илк тарихий манба Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги", Йоханн Шильтбергернинг "Европа, Осиё ва Африка бўйлаб саёҳат", Султония архиепископи Иоаннинг "Дунёни билиш ҳақида китоб", монах Фома Мецеопнинг "Амир Темур ва Шоҳрух Мирзонинг Марказий Осиёдаги юришлари" номли китоблар фикримизнинг ёрқин далилидир.

Агар биз ғарб драматургиясида яратилган машҳур асарларнинг туб моҳиятига эътибор берадиган бўлсак, албатта, ҳар бир ижодкор буюк Амир Темур сиймоси орқали ўзининг эзгу-ниятли қарашларини ифода этганини кўришимиз мумкин. Хусусан, Кристофер Марлоу "Буюк Темур"

In the history of humanity there was a great interest to the history of those rulers who gave preference to the justice in all respects. And one of such personalities was Amir Temur, a great creator, a supporter of science, a great patriot, who ruled the empire that was created by him and who administered the government on the basis of the law developed by him, which was called "Temur Tuzuklari"

In the epoch of his administering he did his best to defend the Eastern countries from Chinghizkhan, European countries from Osmonids which was mentioned in the historical books of those years. Here are some initial sources about Amir Temur:

– Rui Gonzales de Klaviho: "Diary of visiting Samarkand – Amir Temur's Palace",

– Iyohan Shilberger: "Excursion to Europe, Asia and Africa"

– Iohan-Archbishop of Sultania: "Book about World Knowledge",

– Monk Foma Metzeo: "Invasion of Amir Temur and Shohruh Mirzo of Central Asia" are the books that can confirm our words.

If we start getting acquainted with famous works of European dramaturgy, one can see that on the basis of describing of Amir Temur's character, the writers of

саҳна асарида: "Доим илм ортидан қувиш, ҳаракатда бўлиш, бу дунё ташвишларини хаёлга келтирмасдан яшаш инсонга бахт-саодат келтиради", дея хулосани уйғун ҳолда якунлайди ва бу ерда биз "дунё ташвишлари"сиз деганда, фақат муаллифнинг қараши акс этганини, Соҳибқироннинг эса, аксинча, кенгроқ фикрлаганини ҳам ҳисобга олишимиз, адибнинг Амир Темур образини Уйғониш даври зиёлилари орзу этган "яратувчан шахс, каттиққўл ва маърифатли ҳукмдор" сифатида идрок этамиз. Энг муҳими, "Буюк Темур" драмаси инглиз ренессанс даври драматургиясида трагедия жанрига асос солиб, театр санъатини юксакликка олиб чиқди.

Бу ҳолат хорижлик муаллиф Леонардо Лео (1694–1744)нинг операсида ҳам Амир Темур сиймоси адолатли ҳукмдор сифатида ифода этилган. Опера 1722 йилда саҳналаштирилди ва муаллифга жуда катта шуҳрат келтирди. Олмониялик Георг Фридрих (1685–1759) нинг "Темурбек" операси немис мусиқа маданиятининг ютуғи ҳисобланади. Француз адабиётининг йирик вакили Жак Прадон (1632–1698) нинг "Амир Темур ва Йилдирим Боязиднинг ўлими" драмаси анча шуҳрат қозониб, кейинчалик Европа санъатида Амир Темур сиймосининг яратилишида муҳим босқич вазифасини ўтади.

Француз шарқшуноси М. де Санксион "Амир Темур тарихи" роман-эссесини ёзишда Ибн Арабшоҳнинг "Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур" асаридан фойдаланган.

Ҳейдельберг тарихчилар мактабининг намояндаси Фридрих Шлоссер (1776–1861) "Ялпи тарих" асарида Амир Темур тўғрисида ёзаркан, унга "омадли жангчи, дунёнинг янги ҳукмдори... тактик ва стратегик билимларни уйғунлаштирган инсон", деб таъриф беради. Айни вақтда, Соҳибқирон шахсига бўлган қарашларида дабдабозликни ортиқча билиб, "давлатни бошқаришда тузук ва қонунларга суянганини" айтиб ўтади. Инглиз тарихчиси Эдвард Гиббон (1737–1794) эса Ғарбий Европа ва Шарқ ўрта аср тарихига баҳо бераркан,

these historical literary works tried to express their own vision to the world. As for instance, Christopher Marlow in his stage work "Great Temur" concludes his work by saying "Living by looking for knowledge, trying to do something, living not taking into account the problems of this world, makes you happy" and when he says about world problems he expressed his own view, while we know that Amir Temur, on the contrary, had wider approach on the issue, and that the author did his best to create a character that will describe Amir Temur in the way of Renaissance representatives wanted to see the eastern ruler as "a creative, cruel, hard hearted person and at the same time-an enlightener". But it is worth to mention here, that the drama "Great Temur" has become the basic literary work of the English Renaissance period of tragedy genre, and promote the art of theatre to further stage.

Similar approach can be found in Leonardo Leo's (1694-1744) opera in which Amir Temur is described as a just and fair ruler. The opera was staged in 1722 which made the composer very popular.

The opera "Temurbek" composed by a German composer George Frederic (1685-1759) is considered as one of the most popular opera in Germany. The same may be said about a well-known French writer Jack Pradon (1632-1698) whose drama "Amir Temur and the Death of Yildirim Boyazid". This literary work became very popular in Europe and it helped others in creating Amir Temur's character further.

A well-known French orientalist M. de Sanksion when writing his essay-novel made wide use of the famous work of Ibn Arabshoh "Ajoyib al-maqdur fi tarihi Taimur".

A representative of Heidelberg school of History Frederich Shlosser(1776-1861) in his work "General History" writing about Amir Temur mentions that he was " a lucky warrior, a new ruler of the world... who knew very well the tactic and strat-

Амир Темурнинг "оддий бекдан то Осиё ҳукмдори даражасига кўтарилгани"дан ҳайратда қолганини яширмайди ва унинг "инсон сифатида ҳам, ҳукмдор сифатида ҳам Йилдирим Боязиддан устун туришини" алоҳида қайд этади.

Дарвоқе, Амир Темурнинг адолати шундаки, у ҳар ишни ўз қаричи билан эмас, балки қонунлар асосида, хусусан, Қуръони Каримга асосланиб, инсонийлик нуқтаи назаридан келиб чиқиб ҳал этди ва биринчи навбатда, норасида гўдакларни авайлаб, олим ва адибларни, ҳунармандларни ҳимоясига олди, давлатни юлгичлардан, ўғри ва каззоблардан сақлаб, ҳеч качон ва ҳеч қаерда бировнинг ҳақига кўз олайтирмади, "қаердан бир ғишт олган бўлса, ўрнига ўнтасини қўйдирди", "қаерда бир дарахт кестирган бўлса, ўрнига ўнта ниҳол ўтқазди", "чақалоқларни йиглатмангиз, бу гуноҳи азимдур", "урушнинг ҳеч кераги йўқ" деган зот ҳам Амир Темурдир. У нафақат ўз юртини, балки улкан ҳудудни буюк салтанатга айлантирди, қанчадан-қанча мамлакат ва карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлади. Ҳукмдор сифатида шундай жаҳд қилдики, унинг салтанатида "фил пашшага тавозе қилар", яъни қайси шаҳар, қишлоқда бировнинг моли йўқолса, ўғри пайдо бўлса, ўша ердаги оқсоқол жазога тортилар эди, зеро, маҳалла раҳнамоси ўғри билан тил бириктирмаса ёки ўз вазифасига сидқидилдан ёндашса, ўғирлик содир бўлмайди. Бинобарин, ўша пайтда Самарқанддан йўлга чиққан ёки, аксинча, у томондан йўлга чиққан карвонга, ундаги юкларга бирон-бир кимса зиён етказишга журъат қилолмаган. Ёки бир ўсмир бошига тилла тўла баркашни қўйиб, салтанат бўйлаб айланиб чиқса, то улғайиб, йигит бўлгунча ҳам унинг бир тилласига ҳам қўл теккиза олишмас эдики, жорий қилинган қонунлар, қаттиқ тартиблар бунга йўл бермасди. Эл тўқ, қадр-қиммати жойида, тўралар, мансабдорлар олдингидек, ўзи хон, кўланкаси майдон эмас, аксинча, улар ҳам қонунга итоат этар, эл-улус осойишталиги учун масъул саналарди. Албатта, бунга эришгунча Амир Темур кўп тер тўкиб,

egy knowledge". He also writes that the King didn't like pageantry and instead he preferred to govern the country on the basis of law". An English historian Edward Gibbon (1737-1794) commenting on the history of Western Europe and the East wrote that "Amir Temur started his carrier from being just Bek (a governor of a small region) who later became the ruler of Asia" and the author does not hide his surprise. When writing that "Amir Temur was wiser both from the point of view of human-being and the ruler compared him with Yildirim Boyaziddin".

It is worth to add that Amir Temur 's justice was in the fact that he governed the country proceeding on the assumption on the law, mostly keeping to the Koran but not on the basis of his personal rules, personal approaches. He used to pay special attention to newly born children and took care of scholars and writers, craftsman. He protected the government from thieves, chiselers, self-seekers. Amir Temur adhered to the following principles:

– If you take a brick somewhere, return ten instead;

– If you chopped a tree, plant ten instead;

– Do your best not to let babies to cry, since it is a big sin;

– Avoid wars.

Amir Temur turned to sultanate not only his own country but a big territory as well thus providing safety to many countries and caravan roads. As a king he established a rule according to which "an elephant was supposed to bend towards a fly", which means that the chieves and governors of cities were fully responsible for the lost or stolen goods. This order was established by the King because theft develops in countries where the heads of regions and governors do not pay much attention to such negative phenomena or when such things are done by the support of the governors. In Amir Temur's kingdom no one could do harm to the caravan left Samarkand, or caravan that was coming to Samarkand. If even a young boy

кўп меҳнат қилгани учун халқ уни яхши кўрар ва қадрлар эди. Чин маънода айтадиган бўлсак, Амир Темур бўлмаганда, тарих бошқача кўриниш олиши, хусусан, Европа ҳаёти ҳам тубдан бошқа томонга ўзгариб кетиши мумкин эди.


HISTORIA

DEL GRAN TAMORLAN,

E ITINERARIO Y ENARRACION DEL VIAGE, Y RELACION DE LA EMBAJADA QUE RUY GONZALEZ DE CLAVIJO LE HIZO POR MANDADO DEL MUY PODEROSO SEÑOR REY DON HENRIQUE EL TERCERO DE CASTILLA:

Y UN BREVE DISCURSO FECHO POR GONZALO Argote de Molina para mayor inteligencia deste Libro.

SEGUNDA IMPRESION,

*A QUE SE HA AÑADIDO LA VIDA DEL GRAN TAMORLAN SACADA DE LOS COMENTARIOS, QUE ESCRIBIÓ DON GARCIA DE SILVA Y FIGUEROA, DE SU EMBAJADA AL REY DE PERSIA.*

EN MADRID:

En la Imprenta de DON ANTONIO DE SANCHA, AÑO DE M. DCC. LXXXII.

*Se hallará en su Librería en la Aduana Vieja.*

XVIII-XIX асрларга келиб, Европада Амир Темур тарихига қизиқиш янада ортди. Француз маърифатпарвар адабиётининг йирик намояндаси, файласуф ва адиб Франсуа Вольтер 1753 –1758 йилларда ёзган "Халқларнинг руҳий олами ва урф-одатлари ҳақида рисола" асарида Амир Темур ва унинг шавкатли набираси, давлат арбоби, йирик фалакиётшунос олим Мирзо Улуғбек давридаги улкан бунёдкорлик ва илм-фан тараққиёти, адабиёт ва санъатнинг ривожига тўхталиб ўтади. Мишель Монтен, Жан Боден, Паоло Джиовно, Теодоро Спандужино ва бошқа тарихчи ва ижодкорлар асарларида Амир Темур афсона-

would walk in the streets of the kingdom in the day time or at nights with a sack of gold no one would dare to rob him because of the strictest laws signed by Amir Temur. People of the country lived prosperous life. The officials, government functionaries couldn't dare to do things as they wanted to do, because they were responsible to support order and discipline in the Khanate. It was not that easy to reach this type of order in the country, Amir Temur had to work hard to establish mentioned justice. Because of his such a hard work the Europeans had a respect to him. If it were not for Amir Temur the world history might have changed a lot, the life of Europeans might have also changed which would be difficult to foresee the result.

In XVIII-XIX centuries the interest to the history of Amir Temur grew further, the historians and philosophers went back to the epoch of this outstanding figure. A well-known French enlightener, philosopher and specialist in literature Fransua Volter in his work "The Treatise about The Spiritual World and Customs of the People" written in 1753-1758, describes Amir Temur and his famous grandson, statesman, outstanding astronomer Mirzo Ulugbek, their contribution to the development of scientific research works, to the development of literature and art.

In the works of Michel Montan, Jan Boden, Paolo Giovno, Teodoro Spandujino and other historians, writers Amir Temur is described not only as a real figure but also as a legendary hero. In the countries of Europe his name is mentioned very often that can be explained by his heroic deeds. According to Vinniy Furion, the director of Central Asian Research Institute of France, there are many reasons which make Amir Temur an extraordinary personality and one of them is his being very well-known statesman in the countries where he has not been. It is a very good indicator of the fact that he made a positive contribution to the development of culture and science of the world.

вий, реал шахс сифатида талқин этилади ва бу ўринда Европа оламида Амир Темур номининг кўп бор тилга олиниб, унинг дунё тамаддунида тутган ўрнига эътибор қаратилса, бу хусусда Франциянинг Марказий Осиё тадқиқотлар институти директори Винсет Фурньонинг фикрига кўра, Амир Темурнинг фавқулодда ёрқин шахсга айлантирган вазиятлар кўп, шулардан бири – унинг фатҳ этмаган ёки тасарруфига олмаган худудлардаги машҳурлигидир. Бунда, албатта Марказий Осиёдан анча йироқ мамлакат ва ўлкалардаги маданиятлар кўзда тутилаётгани эътибордан четда қолмайди.

1996 йилда Франциянинг Париж шаҳрида эълон қилинган чет эл тадқиқотчиларининг библиографияси рўйхатига Амир Темур ва Темурийлар ҳақидаги 450 дан ортиқ асар киритилган ва, албатта, ўтган 20 йил давомида уларнинг сони яна бир неча бараварга кўпайганлиги, шубҳасиз.

Машҳур сайёҳ ва элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг "Кундалиги" Амир Темур ва Темурийлар тарихини ўрганишда ишончли манба саналади. Китоб 1404 йилда Самарқандга келган Кастилия (Испания) элчисининг йўл хотираларидан иборат бўлиб, унинг 1403-1404 йилларда Туркия, Эрон ва Туронда ўз бошидан кечирганлари, хусусан, Амир Темур саройида кўрган-билганларини ўз ичига олган муҳим асардир.

Руи Гонсалес де Клавихо бадавлат оилада туғилган бўлиб, отаси ҳам, ўзи ҳам қирол саройида катта мансаб эгаси бўлган. У қирол Генрих III нинг вафотидан сўнг, она шаҳри Мадридга кетиб, 1412 йилда вафот этади.

XIV асрнинг 80-йилларида Турон султони Амир Темурнинг одилона ишлари, йирик салтанатга асос солгани ҳақидаги гаплар Европа қироллари қулогига ҳам чалингач, улар бу зот ҳаёти билан қизиқиб қолган эдилар ва бунинг ҳам ўзига яраша сабаблари бор. Улардан энг муҳими, европаликлар Усмонийлар империяси ҳукмдорининг хавф солиб турганидан ғоятда ташвишда эдилар. Шу боис ҳам, Шарқ ҳукмдори билан элчилик, савдо-сотиқ муносабатларини йўлга қўйишга шошилар-



In 1996 in the city of Paris of France there were announced 450 bibliographical list of foreign authors who wrote about Amir Temur and Temurids. And now, after 20 years the number of the literature must have grown many times.

Well-known traveler and Ambassador Rui Gonzales de Klavicho's famous "Diary" is considered as a reliable source in researching the history of Amir Temur and Temurids. It is a book written by the ambassador of Castilia (Spain) who came to Samarkand in 1404 and visited Turkey, Iran and wrote, everything he saw in these countries including the details of his staying in Amir Temur's Palace.

Rui Gonzales de Klavicho was born in a rich family. Both his father and himself worked at the Palace of the King. After the death of the King Henry III, he left the King's Palace and returned to the city Madrid where he was born. He died there in 1412.

In the eighties of XIV century the Kings of European countries started getting information about the King of Turon- Amir Temur who made great contribution to develop and strengthen the country. There were certain reasons in their being interested in him. The most important reason for this was their fear of the Ocmanids' empire. They were afraid because Turkey might start conquering European countries. Because of this fact they were trying to do their best to establish the diplomatic relations with Amir Temur. Klavicho's "Diary" was written in this situation. In the "Diary" the author mentioned

дилар. Клавихонинг "Кундалиги" ана шу тарихий шароитнинг ҳосиласи эди. "Кундалик"да Амир Темур қўл остидаги мамлакатлар ва шаҳарларнинг умумий аҳволи, халқнинг кун кечириши; бинолар, қасрлар, масжидларнинг ўрни, жойлашуви; савдо расталари, дўконлар, улардаги молларнинг тури, ҳолати, баҳоси; Амир Темур саройидаги тартиб-қоидалар, оиласининг аҳволи, фарзандлари ва невараларнинг салоҳияти каби кўплаб жиҳатлар тилга олинган.



Муаллиф, шу жумладан, Самарқанд ҳақида, Амир Темур мамлакати тўғрисида шундай маълумотни келтиради: "Бу юрт дон-дун, май, мева-чева, парранда гўшти, қўйингки, ҳамма нарсага бойдир... Шу йили июнь ойида Хонбалиқ (яъни Пекин)дан 800 туядан ташкил топган карвон Самарқандга келди". Шунингдек, мамлакат халқининг "... меҳнатсевар, моҳир чавандоз, камон отувчи мерган, умуман, сабот ва матонатда жаҳондаги бошқа элат-эллардан саботлироқ ва чидамлироқ халқ" эканини таъкидлаб ўта-

the countries which were conquerec Amir Temur, the situation in these coun and their cities, the everyday life of thei habitants, types of buildings, castles, th cation of mosques, markets and goods were sold in them, their prices.

The author did his best to give the tailed description of the order and rules way of life, the situation in the king's far his children, grand-children, their inte and so on.

The author writes in the following about Samarkand, about Amir Temur the countries conquered by him: "This co try is rich in wheats, oils, fruits, chic meat and so on. In June of this year cara consisting of 800 camels came from Kh baliq (Pekin) to Samarkand". Besides this book he mentions that the people of country "... are hard-working, industri skillful, good arrow shot. They are m patient, more steadfast and unshak than other people". This is what he wi about the women of the Palace: "Wive the king came to the wedding, they sang danced".

Besides this he wrote about indivi als. In particular this is how he descri the participation in the wedding Honz Beghim: "Beghim (princess) looked ab forty years old, a bit fat and light woma His description of Khalil Sultan is as follo "Khalil Sultan was a well-build, light fel of 22 years old".

There are many mistakes in the Diary garding the names of people, places wh are mentioned there. As for instance Mir shoh Mirzo is spelt like "Miasha mirass Murod as "Amirat", Tohtamish as "Ka mish" and so on. Similar mistakes can found in the names of places, towns, as instance Khurosan is written like "Orasa Baghdad as "Baldat", Khonbaliq as "Kan lik" and so on. But nevertheless, this bo of Klavicho is of great importance from historical point of view.

English language teacher Khilda w worked in the museum of Great B ain in London spent much time to lea

ди. Сарой аёллари ҳақида эса: "Подшоҳнинг хотинлари, аввалги тўйлардаги сингари кийинишиб ҳозир бўлдилар, эркаклар билан бирга ўйин-кулги қилдилар", деб ёзади.

Бундан ташқари, алоҳида шахсларга ҳам тўхталади. Хусусан, Хонзода хоним сиймосини "Қирқ ёшлар чамасида тўладан келган, оқ юзли аёл эди", дея тасвирласа, Халил Султонга "Отасига ўхшаш миқти гавдали, оқ юзли, йигирма иккига кирган йигит эди", деб таъриф беради.

"Кундалик"да жой ва кишилар номлари нотўғри ёзилган ўринлар кўп учрайди. Бироқ, муаллиф кишилар номларини яхши эшитмаган кўринади. Масалан, Мироншоҳ Мирзони "Миаша мирасса", Муродни "Амират", Тўхтамишни "Карамиш" деб; жой номларини: Хуросонни "Орасан", Бағдодни "Балдат", Хонбалиқни "Канбалиқ", деб ёзганки, тарихни яхши билмаган ўқувчи "Кундалик"ни ўқиб, чалкашликка йўл қўйишлари ҳеч гап эмас. Лекин нима бўлганда ҳам, Клавихонинг ушбу асари жуда катта тарихий аҳамиятга эга эканлиги билан қимматлидир.

Инглиз муаллимаси Ҳильда I Ҳукҳэм ҳам Лондондаги Британия музейида ишлаб, Амир Темур ҳаётини ўрганди ва тарихий манбалар асосида бу зот ҳақида китоб ёзди. У Амир Темурни "Искандар Мақдунли, Чингизхон, Ойтиллахонлар билан бир сафда турган буюк шахсдир", деб атади ва "Амир Темур қучган зафарлар рус князликлари учун ҳам озмунча аҳамият касб этмади. Унинг Олтин Ўрда устидан эришган ғалабаси ягона Рус давлатини вужудга келтириш йўлидаги асосий тўсиқни олиб ташлади", деб баҳо беради. У яна "Самарқанд йирик илмий марказга айланди. Бу ерда унинг набираси Улуғбек расадхона бунёд қилди, юлдузлар ҳаракатини ўрганувчи "Зиж" тузди. Бу "Зиж"дан XVII асрда инглиз қиролининг етакчи мунажжими фойдаланган эди. XV асрни Темурийларнинг уйғониш асри деб аташ мумкин", деб ёзди.

Унинг ушбу сатрларни ўз ичига олган **"Етти иқлим султони"** асари 1995 йилда Тошкентда "Адолат" нашриёти томонидан Ҳ.Тўрабеков ва Шерали Соҳин таржимасида чоп этилган.

everything possible about Amir Temur and wrote a book about him on the basis of historical sources. She compares Amir Temur with "Iskandar Magdunli, Chingizkhan, Otillakhan" and says that he was as great as these outstanding historical persons. "The victories of Amir Temur was of great historical importance for Russian principalities and kings. His victory over the rulers of Oltin Orda rendered considerable support in creating a single strong Russian state". The author of the book also adds that "Samarkand became a big scientific center. Amir Temur's grandson Ulugbek founded an observatory to observe and study the system of stars, which was called "Zidge" project. One of the specialists of British Kingdom visited this center in XV century to get acquainted with this observatory. This century may be called as the century of Renaissance of Temurids".



TerDU ARM
№ 395468

# ШАРҚ ТАРИХЧИЛАРИНИНГ НУРЛИ КЎЗЛАРИ

## BRIGHT VISION OF EASTERN HISTORIANS

1996 йил Ўзбекистонда "Амир Темур йили" деб эълон қилинди. ЮНЕСКО қароргоҳида ул зот таваллудининг 660 йиллиги кенг нишонланди. Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида бир-биридан улуғвор ҳайкаллари қад ростлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан Тошкент шахрида Темурийлар тарихи давлат музейи бунёд этилди.

Ўтган йилларда бу улуғвор маскан чиндан ҳам Ўзбекистоннинг катта илмий, маънавий-маърифий Марказига айланди, шунингдек, "Давлат ноёб илмий объектлари" рўйхатига киритилди. Музей хазинасидан Ўзбекистон тарихини акс эттирувчи 3 мингдан ортиқ экспонатлар жой олган. Булар Амир Темур ва Темурийлар даврига оид қўлёзмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, Гўри Амир мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX-XX асрларга оид китоблар ва этнографик буюмлардир. Унда "Фондлар ва архив", "Маънавият ва маърифат", "Экскурсиялар", "Экспозиция ва кўргазмаларни бадиий безаш", "Реставрация ва кимё лабораторияси" бўлимлар мавжуд.

Ўн учдан ортиқ хорижий мамлакатларда сақланаётган Темурийларга оид ашёларнинг усталар томонидан ясалган нусхалари "Жаҳон хазиналаридаги Тему-

1996 was announced as the "Year ‹ Amir Temur" in our country. Internation‹ organization UNESCO - celebrated the 66‹ anniversary of his birthday. In two cities ‹ the country, in Samarkand and Shahrisab‹ grand memorial monuments were estal lished. By the initiative of the President ‹ the Republic of Uzbekistan the Amir Temu museum was opened.

Today this museum has become a cor siderable scientific, spiritual and enlight enment center and it was included into th list of "Rare State Scientific Organization' There are more than three thousands c exhibits in the museum, including manu scripts, letters, silver and brass coins, an‹ other things found in Guri Amir mausole um like architectural decoration and eth nographic findings, written in the XIX-X‹ centuries. In this museum there are such departments as "Funds and Archives" "Spiritual enlightenment," "Excursions" "Expositions" and artistic decoration o exhibits", Restoration and Chemical Lab oratory".

There are copies of exhibits brought from more than thirteen countries o the world which are prepared by skillful masters. They are displayed in the department of the Temurids museum

рийларга оид жавоҳирлар" кўргазмасидан ўрин олган. Шунингдек, Санкт-Петербург Давлат Эрмитажида сақланаётган Гавҳаршодбегим ва Мироншоҳ Мирзоларнинг узук-муҳрларидан нусха олиниб, музей фондига тақдим этилган. Музей қошида ташкил этилган илмий гуруҳ томонидан "Амир Темур жаҳон тарихида", "Хива минг гумбаз шаҳри", "Мозийдан таралган зиё", "Бухоро – Шарқ дурдонаси", "Шаҳрисабз – минг йиллар мероси" каби муҳим китоб-альбомлар нашрга тайёрланди.

Амир Темур ўз "Тузуклари"да ёзишича, у "ҳалолликни илм билан тенг кўрган" олимларни беҳад ҳурмат қилган.




"Амир Темур салтанатга фақат бир маданиятни мажбуран киритмасдан, аксинча, турли маданиятларни қўшиб бугунгача ...аб келаётган Овроосиё ғоясини шахсан ...лаб чиққан биринчи шахс эди, – деб ёза... америкалик олим Ричард Нельсон. – У ...нчалар етук саркарда эдики, кўчманчи-

which is called "Department of Exhibits Concerning Temurids Displayed in World Museums". In Saint-Petersburg State Museum the golden rings of Gavkharshodbeghim and Mironshokh Mirzo are displayed. The authority of this organization presented the copy of them to the museum of Temurids. There's a special group of specialists in the museum. They have prepared unique albums like "Amir Temur in the World History", "Khiva is the city of thousand domes", "Bukhara is the Pearl of the East", "Shahrisabz is the Legacy of Thousand years" and others which are published and displayed nowadays.

Amir Temur in his "Tuzuklar" wrote that "Honesty is Equal to Science". This belief of his was connected with the fact that he highly respected the scholars. Amir Temur gave preference to multiculturalism ignoring monoculturalism, therefore he himself worked out this approach which is still actual, told American scholar Richard Nelson. "He is so great colonel, multifaceted, versatile person that includes all positive features and qualities as a brave Muslim. All cultures are specific, as time passed away, many elements of them can be turned into strategic values. Amir Temur was the only person in Central Asia who understood this theoretical opportunity as its is in reality".

During Amir Temur's invasive campaigns lots of cities capitulated on their own. And this was considered as an accepted phenomenon in the frame of rules of that time whereas it would be impossible for a powerless king to achieve such victory as well. Amir Temur's military moves literally identifies his high ability of concentration and the military purposes determine the flow of invasive attacks/wars. Amir Temur was the owner of a great sense of strategy and he knew

ларнинг қобилиятларини, мўғулларнинг жасоратини, мўминларга хос имон-эътиқодни ўзида мужассамлаштира олган. Ҳамма маданиятлар маълум маънода ўзига хос, лекин уларнинг турли элементларини вақт ўтиши билан ўзгарадиган стратегик қадриятларга айлантириш мумкин. Амир Темур бу назарий имкониятни тушуниб етган Марказий Осиёдаги биринчи шахс эди".

Ричард Нильсон 1996 йилда Ўзбекистонда ўтказилган "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзуидаги халқаро конференцияда Соҳибқирон тўғрисида нутқ сўзлар экан, қуйидаги сўзларни ҳам таъкидлаб ўтди: "Ҳарбий қўмондонга бериладиган энг холис баҳо – унинг жангларда эришган ғалабасидир. Шу нуқтаи назардан, Амир Темур тарихдаги буюк саркардалар орасида алоҳида ажралиб туради. Лекин ҳарбий тарихни махсус мутахассис сифатида ўрганувчилар бошқа, янада жиддийроқ мезонларга мурожаат этадилар. Улар олиб борилган ҳар бир жангни геополитик замин билан боғлиқ ҳолда, у ёки бу ҳарбий юриш нима учун ғалабага олиб келганлигини атрофлича ўрганишга ҳаракат қиладилар. Бизнинг тадқиқотимизга кўра, Амир Темур барча давр буюк ҳарбий қўмондонлари орасида алоҳида ўрин эгаллайди".

Амир Темурнинг шахсий жасорати ҳам афсонавий. Унинг жангларда кўрсатган мардлиги дўстлари ва душманлари орасида ҳам эътирофга сазовор бўлган. Кучқудрати ва матонати кишиларни лол қолдирган. Ҳатто ҳаётининг сўнгги йилларида ҳам унда ғайрат-шижоат тўлиб-тошганлигини кўриш мумкин. У ўз аскарларини ҳамиша курашчан вазиятда тутаркан, жангга узоқ тайёрланиш орқали тез, шиддатли ҳужум уюштиришни афзал билган ва "Нотўғри ҳолат, вазиятда мингта жангчи билан тургандан кўра, ўнта жангчи билан тўғри ҳолат, вазиятда турган маъқул", – дейди у.

Амир Темурнинг ҳарбий юришлари чоғида кўплаб шаҳарлар унга жангсиз таслим бўлган. Бунга кўпинча табиий қо-

very well the importance of beneficia cooperation. Thus, taking into accoun the range of difference of the countrie he invaded, it was not easy thing to dc At the initial stage of his life, he coul establish critical cooperation with Tu glukxon who ruled over advanced mil




itary force. This cooperation gave him the chance to strengthen his sovereignty over his territory of governing. This type of cooperation helped him to win in some of his other invasions and for the sake of the security of his empire, he used to change his partners from time to time.

нун-қоида чегарасидаги бир ҳол деб қарашган. Ваҳоланки, кучсиз ҳукмдорнинг бундай ғалабага эришиши амримаҳолдир. Амир Темур олиб борган "Янги юриш"лар табиати том маънода ҳарбий аҳамияти жиҳатдан юриш мақсадларига асосий фикрни жамлай олиш маҳоратини кўрсатади ва бу мақсадларга эришиш уруш олиб бориш моҳиятини белгилайди. Амир Темур катта стратег сезгисига эга бўлиб, фойдали ҳамкорлик қилиш аҳамиятини яхши тушунган. Забт этган юртларининг хилма-хиллигини ҳисобга олганда, бу ниҳоятда мушкул иш. Ўз ҳаётий фаолиятининг бошланишида илғор ҳарбий кучлар устидан қўмондонлик қилган Туглуқхон билан ўта нозик иттифоқ туза олди. Бу ҳолат Амир Темурга ўзи бошқариб турган ҳудудларда ҳукмронлигини мустаҳкамлашга имкон берган. Бундай иттифоқлар тузиш унга бошқа айрим жангларда ҳам ғалаба қозонишда қўл келган ва империясини ҳимоя қилишда иттифоқдошларини доимий равишда ўзгартириб турган. Стратегияда Амир Темур маҳоратини кўрсатувчи яна бир жиҳат, олдига қўйган мақсадга жангсиз эришиш қобилиятидир. Амир Темур кенг кўламли юришларда қўллаган ҳарбий техникани ҳам жуда яхши ва тўла-тўкис билган. Масалан, Ҳиндистонда унинг аскарлари ҳарбий филлар билан тўқнаш келганда, уларга қарши боришга чўчишган. Шунда Амир Темур ўз аскарларига чуқурлар қазиб, у ерга учли симлар ўралган устунлар қоқиб, уларга шохларига хашак қўйилган буқалар боғлаб қўйишни буюриб, жангда ғалаба қозонишга эришган.

Ҳарбий юришларида нефть билан тўлдирилган мўғул қозонларидан ҳам фойдаланган. Унда жанг пайтида энг зарур, керакли жойда бўла олишдек ажойиб хусусият мавжуд бўлиб, бу иқтидор унга душман томон унинг мақсадини уқиб олишга улгурмасдан вақтида оқилона қарорлар қабул қилиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш имконини яратган. Боз устига, жанг майдонидаги шахсий иштироки қўшиннинг аниқ мағлубиятдан қутқариб қолгани муболаға эмас.

One of the significant features of Amir Temur's strategy was to accomplish his goal without war. Amir Temur knew the military strategies very well which he used in his large-scale battles. For example, his troops were scared to death when they came across the elephants in India. At that time, Amir Temur ordered his soldiers to dig the ditches, to knock columns wrapped with pointed wires in each ditch and to tie bulls with hays on their horns to every column, and thereby, eventually, they won the battle.

In his military campaigns, he made a good use of Mongol pots filled with oil. He had an amazing feature as appearing at the right place in a right moment during the battles, which allowed him to make wise decisions and to observe their fulfillment even before his enemies could find out what he was going to do. Moreover, his personal appearance in the battlefield would prevent his troops from obvious defeat.

As Amir Temur states, "the one who can hold the sword, is capable of holding the beacon of the country". At that time, military skill was equal to political leading. But what was war in his point of view? His political view was not to fight using different ways, or to take the control over invaded country or nation, but politics in his viewpoint was a part of large military game (for the sake of clan, religion or empire). Therefore, in order to understand Amir Temur's political viewpoint, it is important to understand the concept of war in the context of $14^{th}$ century. When leaving the invaded territory by him, Amir Temur rarely would leave his stable ruling system in the invaded territory. For this reason he had to invade for the second, third and even for the fourth time the places he had invaded earlier. In his opinion, cities and countries were not the objects of control, but they were the field to move and perform an action.

“Қилич ушлай олган қўлгина салтанат маёғини ушлаши мумкин!” – деган Амир Темур. У пайтларда ҳарбий санъат сиёсий пешқадамликка тенг маънони ифодалаган. Лекин уруш унинг тушунчасида нима бўлган? Унинг сиёсати бошқа усуллар билан урушиш, яъни забт этилган мамлакат ва халқлар устидан назорат қилиш эмас, балки сиёсатни (уруғчилик, диний ёки империя учун) йирик ҳарбий ўйиннинг бир қисми сифатида тушунган. Шу боис Амир Темур сиёсатини англамоқ учун, уруш тушунчасини XIV аср контекстида аниқлаб олиш муҳимдир. Амир Темур ўзи ишғол этган жойлардан кетгач, ўзидан кейин пухта ва муҳим бошқариш тизимини жуда камдан-кам ҳолларда қолдирган. Шунинг учун бир марта ишғол этган шаҳарларини иккинчи, учинчи ва ҳатто тўртинчи марта ишғол этган. Шаҳарлар, мамлакатлар унинг тушунчасида назорат объекти эмас, юриш, ҳаракат қилиш майдони бўлган.

Мазкур тушунчани қадимги ёки ҳозирги кун геополитик концепциясига қандай сингдириш мумкин? Зеро, узоқ ўтмишдан бугунги кунгача инсониятнинг ҳудудга бўлган муносабати ижтимоий ва сиёсий бирлашмалар тузишда асосий мезон бўлиб келмоқда. Лекин бундай муносабат ҳар хил бўлиши мумкин. Айримлар ҳудудга ўз мулки сифатида қарайдилар. Ҳудудга нисбатан бўлган сиёсат, ҳозирги кунда эгалик қилиш, рақобат тушунчалари билан уйғунлашган ҳолда кўринади. Шундай экан, геополитика нисбатан кенг аҳамият касб этиб, ҳудуд билан ҳокимият орасидаги ўзаро муносабатларни ўз ичига олади. Бу ҳар икки тушунча орасидаги ўзаро муносабат тўғридан-тўғри ерларни забт этиш, ишғол қилиш билан чекланиб қолмасдан, ўзига яна бошқа бир қатор масалаларда – ерларга эгалик ва йўллар устидан назорат, гуруҳли альянс, миграция ва ҳокимиятнинг бошқа қирраларида кўринади.

Бундай кенг маънодаги геополитик мақсадлар бир-бирларидан фарқ қилади. Кўчманчи халқлар, ўтроқ халқларга қараганда ҳудудга эгалик қилиш ҳисси бошқача. Денгизлар устидан ҳукмрон давлатлар қу-

How can this standpoint be absorb into ancient or current concept of ge politics? Thus, from ancient times up now mankind's attitude toward territo had been an essential criteria in formi social and political junctions. Howev this type of attitude may vary. Some pe ple consider the territory as their ov land. Nowadays politics about territo is seen with the notions of possessi and competition. Consequently, geopo itics represents more meaning than it i tended to, and includes mutual relatio between the territory and governmen The relations between these two notio do not only refer to invasion of the lanc but also seen in the possession of land the control over routes, group allianc migration and the other sides of gover ment.

Such geopolitical purposes in broa sense differ from each other. Nomad tribes has different sense of possessing tl territory comparing to settled tribes. Se countries' viewpoint about territory diffe from the countries that are on land, ar eastern countries think differently fro western countries when it comes to the n tion of territory.

The goal without loss perfectly de scribes Amir Temur's real intention. I order to prolong the time of the gam he created special chessboard with dou ble amount of pieces. His initial goa was to establish legality superior to cla administration, and instead of gettin rid of enemy tribes completely he de cided to apply electoral system throug strengthening the nominal authority. I the meantime, this would weaken thei real ability to fulfill the tasks of authori ty. Whenever he wanted to get rid of hi enemy who was highly capable of cla authority, he would give a chance an other enemy to deal with him instead For Amir Temur, the outcome was mor important than the process itself.

руқликдаги давлатлардан, ҳудуд ҳақидаги ғарбий давлатлар тушунчаси шарқий давлатлар тушунчасидан ўзгачадир.

Ютқизиқсиз мақсад – Амир Темур даҳосининг асл муддаосини белгилайди. У ўйин муддатини чўзиш мақсадида доналари икки баробар кўпайтирилган махсус шахмат тахтасини ўйлаб топган. Унинг биринчи мақсади уруғ ҳокимлигидан устун бўлган қонунийликни юзага келтириш бўлиб, душман қабилаларини тўлиқ йўқотиш ўрнига уларнинг ичига номинал ҳокимликни кучайтириш йўли билан сайлов тизимини сингдиришга қарор қилган ва шу вақтнинг ўзида уларнинг ҳокимлик вазифаларини бажариш учун зарур бўлган реал қобилиятларини сусайтирган. Қачонки у уруг ҳокимлигига жиддий қодир бирор душмандан халос бўлишни хоҳласа, бошқа душманга у билан ҳисоблашишга имкон туғдириб берган. Амир Темур учун бирор амалнинг натижаси уни амалга ошириш жараёнидан муҳимроқ саналарди.

Унинг сиёсий ва худудий тўқнашувлардаги чайирлик қобилияти минтақавий ўлчамда яққол сезиларли бўлиб, иттифоқчилардан стратегик мақсадларда фойдаланиш туғма нозиклик билан қоришиб кетган. Амир Темурнинг фаросати ва имони шунчалик мустаҳкам эдики, ҳатто юришларининг энг зарур нуқталарида лашкарини тўхтатиб қўйиб, ундан бошқа янги юришларни ташкил эта олар ва шундай вазиятларда аввалги мақсадини эсдан чиқармасди. Умуман айтганда, бўлажак баҳс учун Амир Темур геостратегиясининг қабилавий ва минтақавий жиҳатларини ажратса бўлади-ку, аммо уларнинг ҳаммаси бир-бирлари билан ўзаро боғлиқдир. Шуни эслатиб ўтиш керакки, Амир Темурнинг ҳарбий қобилияти ҳар бир минтақада алоҳида жорий этган қонунчилигида кўринади.

Амир Темур ўз камчиликларини ҳам тушунар, лекин у бошқалар йўл қўйган хатолардан тўғри хулоса чиқариш билан хатоларини тузатиб, тўлдириб боради. Тўхтамишнинг ишни пайсалга солиши, Боязиднинг манманлиги, форс амирларининг

His flexibility during political and territorial confrontations was apparent in the regional scale, and he was born with the ability of making good use of partners in strategic purposes. His ingenuity and faith was so strong that he could stop his troops at the crucial points of his moves, and could organize very different another new moves but at the same time he wouldn't forget his previous intention. Overall, we can separate tribal and regional features of Amir Temur's geostrategic views, but they are still interrelated. It is worth mentioning that Amir Temur's military skill is noticeable in the legislative system he has established in his each region.

Amir Temur was aware of his own mistakes, but he also would learn lesson from others' mistakes and would self-correct. He could make wise use of Tokhtamysh's



ўзларига бино қўйишлари ва бошқалардан оқилона фойдаланган. Унинг кучи "буткул тугатиш ўрнига ичдан қулатиш, қуриш ўрнига тенглаштириш" йўлидан борганлигидадир. Бу ҳозирги замон геополитика сиёсатига ҳам жуда мос келади. Бундан ташқари, у Марказий Осиёдаги воқеалар бошқа ҳамма минтақаларга ҳам албатта таъсир этади, деб тушунган. Шу билан бирга олиб борган сиёсати, ҳарбий юришлари тўғридан-тўғри бўлмаса ҳам, маълум маънода ўзга, ташқи мамлакатларга ҳам ўз таъсирини ўтказиб, мўғулларнинг Хитойга бўлган хавфини бартараф этган. Шундай қилиб, литваликлар ва бошқа кучларнинг Россияга ҳужумлари ҳам барҳам топган. Константинополнинг усмонли турклар томонидан забт этилишини ярим аср орқага сурган, бироқ туркларни Кичик Осиёдан таъқиб эта бориб, Европада бир умрга қолишларига имкон берган.



Олмон олими Клаус Пандер ўзининг "Амир Темур меросининг жаҳоншумул муаммолари" нутқини "У (Амир Темур) ҳокимият тепасига келгач, шижоат ва ғайрат билан ўзининг қурилиш бўйича ўйлаб юрган режаларини рўёбга чиқара бошлайди. У она шаҳри Шаҳрисабз (Кеш)да ҳайратга соладиган сарой билан бирга, пойтахти Самарқандда улуғвор ва ҳашаматли бинолар

procrastination, Bayazid's arrogance and Persian commanders' hubris for his own benefit. His strength was in his method of inner wrecking instead of discarding completely, making equal instead of rebuilding. This applies to modern geopolitics perspective. Besides, he claimed that events happening at the Central Asia would have influence on the other regions as well. In addition, the politics and military strategies he followed, at some point, had impact on the other countries as well as prevented China from Mongol threat. Thus, the attack of Lithuanians and Polovtsians to Russia was abolished. Constantinople's invasion by Osman Turks was delayed for a half century, but he pursued Turks from Small Asia and let them stay in Europe forever.

According to "World-wide problems of Amir Temur's heritage" by German scientist Klaus Pander "after obtaining the throne Amir Temur with enthusiasm started to implement his plans concerning the construction into real life. He has built an astonishing palace in his mother town Shakhrisabz (Kesh), many more grandiose and magnificent constructions in Samarkand, and a mosque in Turkistan. These magnificent constructions from stone has been related to and has become a part of history." He also states that Amir Temur gathered talented representatives of the nation including philosophers, historians, architects, artists, calligraphers etc. in Samarkand, the heart of Temurid's Empire, who were supposed to describe wittedness, power and reign of the great emperor in their masterpieces, and Amir Temur would take his talented people to the military campaigns.

Indeed, the Great Emperor in order to stabilize the government's economic sphere he had new roads and ditches formed, set up the flow of trade caravan routes from west to east, Samarkand, and had a large amount of buildings built. Those buildings

қурдиради, Туркистонда масжид-даҳма қуришга амр қилади. Тошдан ясалган бу маҳобатли бинолар ҳозир тарихга алоқадор бўлиб қолди", деган сўзлар билан бошлаган эди. Олим нутқини давом эттириб, Амир Темур ўз салтанатининг юраги бўлган Самарқандга олимлар ҳамда халқнинг истеъдодли вакиллари – файласуфлар, тарихчилар, меъморлар, мусаввирлар, хаттотлар ва барча турдаги ҳунар эгаларини тўплаганини, токи улар буюк ҳукмдорнинг куч-қудрати, салтанати ва заковатини ўз ижодларида тараннум этишлари лозим бўлганини, ҳатто кўпгина ҳарбий юришларида ҳам олимлар ва истеъдодли одамларни ўзи билан бирга олиб юрганини алоҳида қайд этган.

Чиндан ҳам, буюк Соҳибқирон мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш учун янги йўллар ва ариқлар қаздирди, савдо карвонларининг Ғарбдан Шарққа, Самарқандга қатнашини тиклаб, ниҳоятда катта бинолар қурдирди. Бу бинолар ўша пайтда Марказий Осиёда ўзининг мутаносиблилиги, безаги ҳамда ранг-баранг бўёқлари билан беқиёс ҳисобланган.

Тарихчи Сабуҳий Аҳмедов "Амир Темур ва Озарбайжон" мақоласида Амир Темурнинг Озарбайжон тарихида тутган ўрни ва роли, шунингдек, Озарбайжон маданиятида Соҳибқирон образининг ёритилиши ҳақида маълумот бериб ўтган. Евроосиё минтақасида мўғуллар зулми остида қолган халқларнинг мустақилликка интилишлари кучайиб келаётган, бинобарин, мўғул давлати тарқоқликка юз тутган, маҳаллий феодаллар мавқеи ортиб бораётган, янги давлат тузиш ҳаракати авж олган бир даврда, яъни XIV асрнинг иккинчи ярмида Амир Темур (1336 – 1405) Мовароуннаҳрда пойтахти Самарқанд бўлган қудратли салтанат барпо этиб, сиёсий ҳокимиятни мустаҳкамлаш, иқтисодий ва маданий ҳаётни юксалтиришга катта эътибор қаратди. Унинг давлатни бошқаришнинг асосий тамойиллари ҳақидаги фикрлари «Темур тузуклари» асарида ўз ифодасини топган.

were incomparably beautiful with their proportionality, design, colorfulness in Central Asia.

Azerbaijani scientist Sabuhiy Akhmedov in his article "Amir Temur and Azerbaijan" admits Amir Temur's role in the history of Azerbaijan and states that 14$^{th}$ century was that time when the people in Eurasia invaded by Mongols started to strive for independence, Mongol empire started to disperse, local feudals were getting higher position, and there was a need to form a new government. At the second half of 14$^{th}$ century Amir Temur (1336-1405) founded a great empire with Samarkand as its capital in Mowarounnahr. He paid special attention to consolidate the political government, to improve economic and cultural life. His basic tendency on ruling the government got its complete reflection in his work "Institutes of Temur".

The scholar states that during the Soviet Union Amir Temur was described as a person who made several military moves to Azerbaijan, who imprisoned as a captive many architects from Azerbaijan and took them to Samarkand. "Only after 1991 when they've gained their independence there was a chance to look at the events happened in the history from different side, and at the second half of 14$^{th}$ century Azerbaijan's historical territory was included in Jaloyir Empire. Even though some of the north-eastern territories of Azerbaijan, particularly, Shirvon region was under the government of Shirvanshah, they were dependent on Jaloyir Empire. Lots of revolts by local people were ceased cruelly, and every step made to gain the independence would be stopped by Mongol troops. Amir Temur's 1385-1395 military campaigns to this territory caused fatal damage to Jaloyir Empire and accelerated the process of founding independent Azerbaijan.

Олим шўро тузумида барча иттифоқдош республикалар қатори ватанида ҳам тарих фани қаттиқ мафкуравий назорат остига олинганлиги тўғрисида тўхталар экан, ўша қатағон даврларида Амир Темурни Озарбайжонга кўплаб юришлар уюштирган, озарбайжонлик кўплаб усталарни Самарқанд ва бошқа шаҳарларга асир қилиб олиб кетган шахс сифатида тасаввур этиш анъанаси устун бўлганини қайд этиб ўтади. "Фақат Озарбайжон мустақилликка эришган 1991 йилдан бошлаб тарихий воқеаларнинг ҳақиқий манзарасини тиклаш имконияти пайдо бўлди, – дейди олим. – XIV асрнинг иккинчи ярмида Озарбайжоннинг тарихий ҳудудлари жалойирлар давлати таркибида эди. Гарчи Озарбайжоннинг шимоли-шарқий вилоятлари, жумладан, Ширвон вилояти ширвоншоҳлар давлатига қараса-да, бу давлатнинг ўзи ҳам мустақил бўлмай, жалойирлар тобелигида бўлган. Маҳаллий аҳолининг ўнлаб исёнлари шафқатсизларча бостирилар, мустақил давлат тузиш борасидаги барча ҳаракатлар мўғул лашкарларининг қаттиқ қаршилигига учрарди. Амир Темурнинг 1385–1395 йилларда ушбу ҳудудларга қилган юришларининг аҳамияти шундан иборатки, жалойирлар давлатига ҳалокатли зарба берилди ва мустақил озарбайжон давлатини тузиш жараёнлари тезлашди.

Амир Темурнинг Ширвоншоҳлар давлатига муносабати алоҳида қизиқиш уйғотади. Пойтахти Шомохи шаҳри бўлган Озарбайжон давлатини XIV аср охири – XV аср бошларидаги Озарбайжон тарихида катта роль ўйнаган фавқулодда шахс – Ширвоншоҳ Иброҳим I бошқарар эди. Қудратли ҳукмдор, беҳисоб қўшинга эга Амир Темур, агар истаса, Ширвоншоҳлар давлатини тугатиб, уларни бутунлай супуриб ташлаши мумкин эди. Бироқ, у Иброҳим I нинг ушбу минтақа иқтисодиёти ва маданиятини тиклаш бўйича олиб борган барча чора-тадбирларини қўллаб-қувватлаб турди. Иброҳим I Озарбайжон тарихида адо-

Amir Temur had interest in Shirvan shah empire. At the end of 14th century and at the beginning of 15th century the government of Azerbaijan which had Shomohi as its capital was ruled by Shirvanshah Ibrahim I. Amir Temur could easily destroy the government of Shirvanshah and kill its ruler, if he wanted. However, he supported Ibrahim I 's attempts and measurements to improve economic and cultural spheres in the region. Ibrohim I was engraved in history of Azerbaijan as a fair and wise sovereign. "The power is in justice" was the main spiritual and moral criteria of Amir Temur's politics. The prove of his motto can be seen in his sponsorship for construction politics of Ibrahim I.

Amir Temur's power played a great role in the history of Azerbaijan at the end of 14th century and at the beginning of 15th century. Hence, the ruler of Oltin Orda, which included Crimea, Volga, Russian territory and western Siberia, Tokhtamysh had caused a great threat to Azerbaijan and he invaded its territory several times, particularly, he reached Tabriz city in 1382 and destroyed it. At that time he was causing threat to the cities of Mowarounnahr as well. In 1395, Amir Temur started military moves against Tokhtamysh and the troops of Ibrahim I joined Amir Temur's army. In the battle along the river Terek they won over Tokhtamysh and the threat was ceased. Amir Temur's military moves gave a chance Azerbaijan economics to flourish noticeably comparing to the period of Mongols. The reasons for economical improvements are the followings:

Firstly, Amir Temur followed the idea of "the world flourishes from the courtesy of trade people", tried hard to form one trade and economic territory, maintain the security on trade routes, to develop the sphere of craft and trade. His military campaigns to Azerbaijan at the 13th century was total-

латли ва доно ҳукмдор сифатида ном қолдирди. «Куч – адолатдадир» шиори Амир Темур сиёсатининг бош руҳий-ахлоқий мезони эди. Унинг Ширвоншоҳ Иброҳим I га ва унинг бунёдкорлик сиёсатига ҳомийлик қилгани ана шу шиорнинг исботи эмасми, ахир?"

XIV аср охири – XV аср бошларидаги Озарбайжон тарихида Амир Темурнинг куч-қудрати муҳим роль ўйнаган. Бинобарин, Қрим, Волга бўйи, Русь ҳудудлари ва Ғарбий Сибирни ўз ичига олган Олтин Ўрда давлати Ширвонга катта хавф солиб турар, бу давлат ҳукмдори Тўхтамишхон муттасил босқинчилик юришлари уюштирар, ҳатто 1382 йилда Табриз шаҳригача бориб, уни вайрон этганди. Ўша пайтда у Мовароуннаҳр шаҳарларига ҳам хавф солаётган эди. Иброҳим I Ширвоннинг шимолий сарҳади Дарбанд қалъасини мустаҳкамлай бошлаганда, Амир Темур уни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлади. 1395 йилда Тўхтамишга қарши юриш бошлаган Амир Темур қўшини таркибига Иброҳим I нинг лашкари ҳам кирган. Терек дарёси бўйида бўлиб ўтган бу жангда Тўхтамишхон тор-мор қилингач, Ширвоннинг шимолий сарҳадларидаги хавф бартараф этилган ва шундан сўнг қарийб бир ярим аср мобайнида Озарбайжон шимолдаги хавфдан халос бўлган. Амир Темур юришлари Озарбайжон иқтисодиётининг мўғуллар давридагига нисбатан сезиларли даражада ривожланиши учун имкон яратди. Бу иқтисодий юксалиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

*Биринчидан*, Амир Темур ўз юришларида «дунё тижорат кишилари шарофатидан равнақ топади», деган тамойилига асосланадиган бўлса, у ягона савдо-иқтисодий ҳудуд яратиш, савдо йўллари хавфсизлигини таъминлаш, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш учун изчил ҳаракат қилган. Унинг Озарбайжонга юришлари XIII аср бошларида мўғулларнинг босқинчилик юришларидан кескин фарқ қилади. Агар ўрта асрлар Озарбайжон шаҳарларида олиб борилган археологик қазилмаларга эътибор берил-

ly different from Mongol invasion. Based on the archeological items found in the territory of Azerbaijan, one can see the traces of devastation, ruins, broken pieces of weapons related to 13th century, and the traces of crafting items, practical design art pieces, Temurids' coins related to 15th century.

Secondly, Amir Temur's victory over Tokhtamysh made the trade routes turn to south, to Azerbaijan. Southern part of Great Silk Road from China heading





са, XIII асрга оид қатламларда вайронагарчилик, ёнғин, қурол-яроғ синиқларини, XV асрнинг бошларига оид қатламда эса ҳунармандчилик буюмлари, амалий безак санъати намуналари, темурий тангаларни учратиш мумкин.

*Иккинчидан,* Амир Темурнинг Тўхтамишхонни маҳв этиб, Олтин Ўрдани қўлга киритиши савдо йўлларининг жанубга, яъни Озарбайжонга бурилиши учун имконият яратди. Буюк Ипак йўлининг жанубий қисми, Хитойдан Самарқанд орқали Европага борадиган йўналиш яна Озарбайжон ерларидан, биринчи навбатда Табриздан ўтадиган бўлди. Табризнинг юксак даражада ривожланиши ва унинг XV асрда Шарқнинг энг йирик шаҳарларидан бирига айланиши худди ана шу воқеалар билан изоҳланади.

*Учинчидан,* Амир Темур мамлакат ичидаги ўзаро уруш-низоларга чек қўйиб, ҳокимиятни марказлаштиришга интилаётган маҳаллий ҳукмдорларни, жумладан, Иброҳим I ни қўллаб-қувватлаб турди.

*Тўртинчидан,* Амир Темур Озарбайжонда бунёдкорлик ишлари билан ҳам машҳурдир. Жумладан, йирик тарихчи олим Шарафиддин Али Яздий "Зафарнома" асарида Амир Темур фармони билан Бойлакон шаҳрининг қайта тиклангани ҳақида маълумот беради. Ўз пайтида бу Озарбайжон шаҳри Субутой ва Жаба бошчилигидаги мўғул қўшинларига қаршилик кўрсатган ва оқибат-натижада ер билан яксон этилган шаҳар эди. Али Яздийнинг маълумотига кўра, шаҳарни тиклаш учун аввало унинг режаси тузиб чиқилган, тўртта бозор, ҳаммом ва карвонсаройлар, хиёбон ва маҳаллалар қуриш учун алоҳида жойлар ажратилган. Қалинлиги 11 қулоч, баландлиги 15 қулоч ва умумий узунлиги 2400 қулоч бўлган ташқи девор тикланган. Девор бурчакларига кузатув миноралари, улар оралиғида шинаклар қурилган. Шаҳар атрофи бўйлаб эни 30 қулоч ва чуқурлиги 20 қулоч бўлган хандақ қазилган. Озарбайжонлик археолог, тарих фанлари доктори Г.М. Аҳмедов бошчилигида Бойлаконда олиб борилган археологик из-

to Europe through Samarkand started to go through Azerbaijan, at first place through Tabriz city. The development of Tabriz at high level and its becoming one of the major cities in the East at the $15^{th}$ century is explained by aforementioned fact.

Thirdly, Amir Temur stopped inner conflict and rivalry in the country, and he supported local leaders like Ibrahim I who was trying hard to centralize the country.

Fourthly, Amir Temur is popular for his construction deeds in Azerbaijan. For instance, famous historian scholar Sharafiddin Ali Yazdiy in his work "Zafarnoma" states that Boylakon city was recovered by the order of Amir Temur. There was a time when this city of Azerbaijan fought against Mongol troops, but eventually was defeated. According to Ali Yazdiy, in order to set up the city, first of all, the plan of the city was drawn including four bazaars, a bath-house, inns on the caravan routes, park and neighborhoods. The wall with 11 feet wide, 15 feet hight and 2400 feet length was built. In each corner of the wall there were monitoring towers. During the archeological researches done in Boylakon under the supervision of Azerbaijani archeologist, Doctor of historical sciences G.M. Akhmedov, they have found a fortress, and this part of Boylakon was named as "Temur's part".

It is important to mention that the image of Amir Temur grabbed the attention of not only scholars, historians, orientalists, but also of artists, writers, poets, playwrights, producers as well.

In 1916 Muhammad Said Urdubodiy (1872-1950) wrote the play entitled as "Temur and Yildirim Bayazid". Later, Husain Jovid (1882-1941) used Amir Temur's image and wrote his drama "Amir Temur" in 1925.

In 1973 "Ozarbayjonfilm" studio took a film "Nasimiy" dedicated to poet Im-

ланишлари пайтида Амир Темур буйруғи билан тикланган истеҳком аниқланиб, бу истеҳком Бойлакон шаҳрининг "Темур қисми" деган ном олди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Амир Темур образи нафақат олим, тарихчи, шарқшуносларни, балки мусаввир, адиб, шоир, драматург ва режиссёрларни ҳам ўзига жалб этиб келган.

1916 йилда Муҳаммад Саид Ўрдубодий (1872–1950) «Темур ва Йилдирим Боязид» драмасини ёзди. Кейинчалик Амир Темур сиймосига Ҳусайн Жовид (1882 –1941) мурожаат қилиб, "Амир Темур" драмасини 1925 йилда ёзиб тугатди.

1973 йилда «Озарбайжонфильм» киностудияси шоир Имодиддин Насимий ҳаёти ва ижоди ҳақида «Насимий» фильмини суратга олди. Бу фильмда Амир Темур моҳир саркардагина эмас, балки бирдамлик ва тараққиётга интилувчи ҳукмдор сифатида талқин этилган. 1983 йилда Ҳусайн Жовид драмаси асосида ҳам шундай фильм яратилди.



Амир Темур ва унинг меросини ўрганиш, ёш авлодга тарих ва маданиятдан сабоқ бериш борасида фикр юритган инглиз олими Сигдем Балим-Хардинг: "Биз ёш авлодга ҳақиқатни қаердан излаш, рост ва ёлғон ахборот ўртасидаги тафовутни қандай аниқлаш тўғрисида аъло равишда таълим беришимиз зарур. Тарих орқали ўқувчилар ўзлари ва бошқаларнинг маданият

omiddin Nasimiy life and work. In this film Amir Temur was described as not only a skillful colonel, but as a king who strived for unity and development. One more film based Husayn Jovid's drama similar to this movie was created in 1983.

Cigdem Balim Harding who shared his opinion on studying Amir Temur and his heritage, to teach young generation history and culture, stated that "we need to teach clearly our young generation where to find the truth, how to find out the difference between true and false information. Through learning history students need to be aware of and resepect their history as well as others culture and traditions".

Thus, Amir Temur looked for justice through battles, which means as a real muslim he didn't approve the war but fought against destroyers and people who would hold the fire of war. His main intention was preserve peace on routes, especially, on Great Silk Road, and to develop open trading system.

As Indian scholar Satish Chandra states Amir Temur was not the king who only wanted to conquer lands and territories, he had military moves in Asia to join and control the trading routes. Inns on the caravan routes, intersections, recovering the cities – they all were part of Amir Temur's plan.

As Turkish scholar Esanbeka Togan states that scholars and talented people had great opportunities during Amir Temur's reign. Amir Sulton in Bursa and Qozizoda Rumiy can be good examples, and even nowadays people come to visit their graves in Bursa and Samarkand.

Famous Kirgiz writer Chingiz Aytmatov says: "The legend about Amir Temur that I've heard in my childhood is stuck in my mind. Even though this story is widespread, I would like to repeat it once again:

ва қадриятларини тушуниб етишлари, ҳурмат қилишлари лозим", деб ёзган эди.

Шундай экан, Амир Темурнинг жангу жадал ичидан адолат қидиргани беҳуда эмас, табиийки, у бир мусулмон киши сифатида урушни ёқламади, аксинча, дунёни бузувчиларга, уруш оловини ёқувчиларга қарши курашди, холос. Унинг бош ғояси ҳам, мамлакат ва йўлларда, хусусан, Буюк Ипак йўллари бўйлаб тинчлик ўрнатиш, эркин савдо-сотиқни ривожлантириш эди.

Ҳинд олими Сатиш Чандра ёзганидек, Амир Темур ўзга юрт ва ерларни забт этишнигина мақсад қилиб олган ҳукмдор эмас, у бу юришлари билан Осиё қитъасидаги қуруқлик ва сувликдаги савдо-сотиқ йўлларини бирлаштириш, тижорат аҳли, сайёҳлар ва аҳоли хавфсизлигини таъминлашга ҳаракат қилган. Карвонсаройлар, кўплаб чорсулар қуриш, шаҳарларни қайта тиклаш – буларнинг бари Амир Темур сиёсатининг бир қисмигина бўлган.

Туркиялик олима Эсанбека Тўғон: "Маърифатли кишилар, олимлар, ҳунармандлар, мусаввирлар бир ўлкадан иккинчисига бемалол ўтиб юрганлар ҳамда ўзларини ҳамма ерда ўз уйларидагидек ҳис этганлар, – деб ёзар экан, Амир Темур ва Темурийлар даврида олимларга кенг имкониятлар яратиб берилганини юксак баҳолайди. – Бурсадаги Амир Султон ҳамда Самарқанддаги Қозизода Румий бунга ёрқин мисол, ҳатто ҳозир ҳам уларнинг қабрларига Бурса ва Самарқанд аҳли зиёратга келиб туришади..."

Таниқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов: "Болалигимдан хотирамда Амир Темурга алоқадор қачонлардир эшитган афсона ўрнашиб қолган, – деб эслайди. – Бу кўп учрайдиган воқеа, шундай бўлса-да, такрорламоқчиман:

Маълумки, бу улуг ҳукмдор бошқа кўп соҳаларда бўлгани каби, Бухоро ва Самарқандда меъморчилик санъатини ҳар томонлама ривожлантиргани билан ҳам шухрат қозонган. Унинг даврида кўплаб масжидлар, мақбаралар, осмонга бўй қадаган миноралар қурилган. Вақти келиб у ўз салтанатини илм-фан марказига айлантир-

It is clear that this great leader gained much reputation by focusing on the field of architecture in Samarkand and Bukhara as with many other scientific areas. Many mosques, madrasahs and skyscraper minarets were constructed during his reign. At that time the country was the centre for science, following this ornamental ponds and formal gardens were created which had been noted by some foreigners with amusement. At this point there comes a legend. Poet Khofiz Sheroziy stated witnessing the building of the cities which were a pearl for the ruler:

*If a turkish lady from Shiraz made*
*me happy,*
*Would I sacrifice for her black birthmark*
*Samarkand and Bukhara.*

Hearing this, Amir Temur laughed and said:

– Bring him to me. I am eager to see the bard who is ready to give my both cities.

However, it was difficult to bring the bard who always travelled. Once Amir Temur saw Khofiz who was passing through the palace. His guard brought poet to Amir Temur.

– Is it you who tried to sell Samarkand and Bukhara? – Are you going to bestow one birthmark of girl in exchange of two cities? – asked Amir Temur.

Then bard said:

– Your highness, great ruler, all I have is my humble body. The poor man is usually generous. Therefore I sacrificed these to lady praising them.

As Amir Temur examined, the bard had old clothe, worned out shoe and nothing more.

– What coul we do at this point? That is the best and most intelligent for you. – Said ru-ler laughing. – I am head of the country whereas you are competent poet. You can get the most respected place from the pa-

ган, унинг боғу ҳовузларининг гўзаллиги ва латофати тўғрисида хорижий ҳукмдорлар қойил қолиб ёзганлар. Яна шу ўринда афсона тилга киради. Ҳукмдор ўзининг икки дурдонаси, икки шаҳрини ҳали завқ-шавқ билан бунёд этаётган бир пайтда улуғ шоир Ҳофиз Шерозий булар ҳақида шундай сатрлар битган:

*Агар кўнглимни шод этса шерозлик*
*турк жонони,*
*Қора холига бахш этгум Самарқанду*
*Бухорони.*

Буни эшитган Амир Темур мийиғида кулиб:

– Уни менинг олдимга олиб келинглар-чи, мен аёлнинг бир дона холига икки ажойиб шаҳримни беришга тайёр турган шоирни бир кўрай! – дейди.

Лекин дунё кезиб юрувчи шоирни саройга олиб келиш осон кечмаган. Бир куни қуёш чарақлаб турган пайтда Амир Темур саройнинг айвонидан зўрға юриб ўтиб бораётган Ҳофизни кўриб қолибди. Унинг посбонлари шоирни дарҳол Амир Темурнинг ҳузурига олиб келишибди.

– Самарқанд ва Бухорони савдога қўйган сенмусан? – сўрабди буюк ҳукмдор. – Маҳбубанинг биргина холига бирданига иккита шаҳаримни бермоқчимисан?

Шунда шоир дебди:

– Эй, улуғ амир! Менинг бутун бойлигим – мана шу урён жисмим, ўзингиз кўриб турибсиз. Йўқсил киши сахий бўлади. Шунинг учун мадҳ этиб, шаҳарларни маҳбубага бердим.

Амир Темур кўрадики, чинданам шоирнинг эгнида йиртиқ чопон, оёғида увада кавушдан бошқа нарса йўқ.

– Нима ҳам дердик, бу сенга муносиб ва олижаноб иш деб, – самимий кулиб юборибди Амир Темур. – Мен улуғ Амир бўлсам, сен улуғ шоирсан. Менинг саройимдаги энг ҳурматли жой сеники. Шу ерда қолиб умрингни ғам-ташвишсиз ўтказ, шеърларингни бемалол ёзавер! – Шундан сўнг, у ўз вазиру яқинларига қаттиқ тикилиб: – Подшоҳ ўз шоирини излаган халқ

lace. Stay here and keep writing poems without difficulties of life for good! Then staring at vaziers and other close people: – Those peoples are happy whose ruler looks for his own poet, but not the poet who looks for the ruler. Never forget this!



INSTITUTES
POLITICAL AND MILITARY,
WRITTEN ORIGINALLY
IN THE MOGUL LANGUAGE,
BY THE GREAT
TIMOUR, IMPROPERLY CALLED TAMERLANE;
First translated into PERSIAN by ABU TAULIB ALHUSSEINI; and thence into ENGLISH, with Marginal Notes,
BY MAJOR DAVY,
PERSIAN SECRETARY TO THE COMMANDER IN CHIEF OF THE BENGAL FORCES
From the Year M DCC LXX to M DCC LXXIII.
AND NOW PERSIAN SECR. TO THE GOVERNOR GENERAL OF BENGAL.
The Original PERSIAN transcribed from a MS. in the Possession of Dr. WILLIAM HUNTER, PHYSICIAN EXTRAORDINARY to the QUEEN, F.R. & A.S. and of the ROYAL ACADEMY of SCIENCES at PARIS; and the WHOLE WORK published with a Preface, Indexes, Geographical Notes, &c. &c.
BY JOSEPH WHITE, B.D.
FELLOW of WADHAM COLLEGE, and LAUDIAN PROFESSOR of ARABIC IN THE UNIVERSITY OF OXFORD.
OXFORD:
AT THE CLARENDON-PRESS. M DCC LXXXIII. (1783)
SOLD BY J. MURRAY, N°. 32 Fleetstreet, London; AND BY D. PRINCE AND J. COOKE, Oxford.

In the article given by Iranian Khushang Aalam" Samarkand's marvels during the reign of Ulughbek" there are precious data about Ghiyosiddin Jamshid (died in 1429). He took active part in the building observatory and making up the list of stars. "One of his letters was printed out many years ago and translated into many languages. The authentic copy of this letter is kept in the library of the religious school "Shakhid Mutakkaniy" in Tehran (former library of Mosque of Sipokhsolar). Kushoniy

бахтлидир, лекин шоир ўз ҳукмдорини излаган халқ эса бахтсиздир. Буни эсдан чиқарманглар! – дебди".

Эронлик Хушанг Аъламнинг **"Улуғбек даврида Самарқанд ажойиботлари"** мақоласидаги Ғиёсиддин Жамшид Кўшоний (1429 йили вафот этган) ҳақидаги маълумот катта қийматга эга. У Самарқанддаги Расадхонани лойиҳалаштириш ва қурищда, Улуғбекнинг юлдузлар жадвалини батафсил ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. "Бундан анча йиллар муқаддам унинг бир хати босилиб, сўнг у кўп тилларга ўгирилган эди, – дея маълумот беради олим. – Бу хатнинг асл нусхаси Теҳрондаги "Шаҳид Мутаҳҳаний" диний мактаби кутубхонаси (аввалги Сипоҳсолар Масжиди кутубхонаси)да сақланган бўлиб, ундан Кўшоний Самарқанднинг айрим ажойиботлари ва янгиликларини баён қилган ёки эслатиб ўтган узундан-узоқ эскартма жой олган. Хатнинг эскартма қисмига эслатиб ўтилган таржималарда эътибор берилмаган ва у ағдарилмаган".

Қиргизистонлик олим О.Караев Амир Темур фаолиятига одилона сўз айтишга чоғланаркан, Амир Темур даврида давлат идораларидаги фармонлар ўзига хос янги усул – Сарнома усулида жорий қилинганини айтиб ўтади. Бу усул Амир Темурни ҳукмдор сифатида намоён этар, у томонидан фармонлар чиқариш тартибига қўйилган талаблар унинг авлоддари томонидан ҳам қабул қилинган. Бунга бир қатор Темурий ҳукмдорлар, масалан, Шоҳрух Мирзо ва Абу Саид Мирзолар томонидан чиқарилган ва асл нусхада сақланиб қолган кўплаб ҳужжатлар асос бўла олади. Ғарбий Эрон ва Шарқий Анатолиядаги Қора қўюнли ва Оқ қўюнли туркман ҳукмдорлари Амир Темур ва унинг авлодларига ғанимлик руҳида бўлишларига қарамай, фармонлар чиқаришда Амир Темур услубини тўлиқ қўллаганликлари алоҳида диққатга сазовор.

Эрондаги Сафавий шоҳлари ва Мовароуннаҳрдаги Шайбоний, кейинчалик Аштархонийлар ва Хива хонликлари ва, ниҳоят, манғит амирлари-ю Қўқон хонлари ўз фармонларини чиқаришда Амир Темур бошқаруви томонидан ўрнатилган намуналарга риоя қилганлар. Бу масаланинг ни-

made several notes related to the area marvels and news. Some parts of the letter had been ignored as it contained reminding and remained untranslated States the scientist.

O.Karaev, a scientist from Kyrgiz gives his opinion with quite fair approach saying that a particular new method Sa noma was in use which connected wi law making of public sectors durin the reign of Amir Temur. This metho was designed to define Amir Temur a head of the country. Besides that, t procedure of law making was accepte his generation as well. The basis of th idea is that some documents were save and created by certain temurds suc as by Shokhrukh Mirzo and Abusa Mirzo. Although some rulers in Weste Iran and tukman tribes so called Bla Kuyunli and White Kuyunli lived Eas ern Anatoly who kept hostility to Am Temur and his generation, they utilize the way as Amir Temur in governme



ҳоятда қизиқ томони шундаки, на XV аср турк ҳукмдорлари, на XVI аср Сафавийлар тарафдорлари ва на Шайбонийлар ўзларини Амир Темур бошқаруви анъаналарининг издошлари, тарафдорлари деб ўйламаган. Шунга қарамай, улар ғарбда Усмонли турк салтанатидан то Кошғару Ҳиндистонгача бўлган бепоён ҳудудда Амир Темурни улуғ ҳукмдор сифатида тан олишган ҳамда унинг ғояларини қабул қилганлар.

which is highly notable. The set of rules introduced by Amir Temur were applied in lawmaking as a role by Safavy rulers and Shaibaniys and later by khans in Movorounnakhr.

The most notable side of the matter is that neither Turkish governors in XV century nor Shaibanies didn't think that they were continuing the traditions of Amir Temur.



# АМИР ТЕМУР ВА ЕВРОПА ҚИРОЛЛАРИ ЁЗИШМАЛАРИ

# THE CORRESPONDENCE BETWEEN AMIR TEMUR AND EUROPEAN KINGS

XIV асрнинг охирига келиб катта куч-қудратга эга Усмонли турк империяси қўшинлари Болқон ҳудудидаги давлатларни бирин-кетин забт этиб, Европа томон силжимоқда эди. Уларнинг бу ҳаракатидан таҳликага тушган Европа қироллари тезда уларга қарши катта қўшин тўплаб, салб юришига отландилар. Салб юришга Бургундия герцоги маршал Бусико қўмондон этиб тайинланди. Жанговар рицарлардан иборат Бусико қўшини султон Боязид қўшини билан 1396 йил Никополь (Болгариядаги шаҳар) яқинида тўқнашади. Бу жангда маршал Бусико мағлубиятта учраб, унинг ўзи ва лашкарбошилари асирга олинади. Тутқунликдан озод бўлгач, Бусико ўз ватани Францияга қайтмасдан, Византия императори Мануил II Палеолог хизматига киради ва Ғенуя шаҳри губернатори лавозимини эгаллаб, маршал Мануил кўмагида 1200 нафар сараланган рицардан қўшинини тўплаб, 1399 йил яна Боязидга қарши юриш қилади. Бироқ бу сафар ҳам унинг омади чопмайди, яъни Константинополь шаҳри яқинида енгилади. Чорасиз қолган император Мануил II Палеолог ва маршал Бусико ўз ҳомийлари V Ғарб мамлакатлари қироллари ҳузурига мадад сўраб боришга мажбур бўладилар. Ўша даврда битилган тарихий ҳужжатларда ёзилишича, Ғарбда император Мануил II Палеологни яхши

Osmanly Turkish Empire who had the power were gradually moving to Europe invading some countries in peninsula of Balkan at the end of XIV century. Having been worried about the outcomes of this some European rulers began counterattack by means of Christian marches. To this attack Busico who was the Marshall of Burgunds was appointed as a head. The battle between Boyazidh and knight-composed army of Busico took place near Nicopol in 1396. Busico the marshall was defeated and captured as well as his commanders. Having been released from the capture, instead of returning to his homeland-France he served for the king of Byzantium, Manuel II Paleolog he was given the authority of being chef of Genue. He managed to compose an army consisting of 1200 soldiers and attacked Boyazidh in 1399. But the luck was not for him this time too. To be exact, he was defeated near the city of Constantinople. Emperor Manuel II and Busico who left without any clue had to ask for help from European kings. According to some documents which related to those times Emperor Manuel II was welcomed but the idea of composing an army was kept procrastinating. At that moment

қабул қилишган, бироқ мадад кучи тўплаб беришни пайсалга солишган.

Усмонли турклар қўшинига фақат Амир Темурнинг шавкатли қўшинигина бас кела олишини европаликлар яхши тушунганлар. Иккала жаҳонгирнинг ўзаро тўқнашуви ва қудратининг заифлашуви Европа ҳукмдорлари учун айни муддао эди. Шу мақсадни кўзлаган Мануил II Палеологнинг ҳокимлари Йилдирим Боязид тазйиқидан халос этишни сўраб, Амир Темурга мурожаат қилишади ва шу пайтгача турк султонига тўлаб келган божларини бундан буён Соҳибқиронга беражакларини айтадилар. Кастилия қироли Генрих III франция қироли Карл VI ўз элчиларини, Рим папаси Бонифаций IX бўлса, ўз католик миссионерларини шошилинч равишда Амир Темур ҳузурига йўллайди.

Амир Темур ва Йилдирим Боязид қўшинлари 1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинида жангга киришиб, жанг натижасига кўра, Амир Темур қўшинининг қўли баланд келади.

Соҳибқирон бу ғалабанинг эртаси куни Кастилия қироли Генрих III де Трастамара (1379 – 1406)нинг элчилари Пайо де Сото Майор ва Эрнан Санчес де Паласуелосни қабул қилади. Элчилар ҳукмдорни зафар билан қутлаб, унга ўз қироллари эҳтиромини билдирадилар. Амир Темур ҳам ўз империясининг сарҳадига қўшни Генрих III элчиларига катта мулозамат кўрсатиб, Боязид ҳарамида асира бўлган Греция ҳукмдорининг қизлари Анжелина, Каталина ва Марияни ҳамда ўлжага олинган авлиё Михаилнинг олтин ҳайкалини уларнинг қиролига ҳадя этади. Айни пайтда Амир Темур уларга қўшиб ўз аъёнларидан Муҳаммад ал-Кешийни (баъзи манбаларда Муҳаммад ал-Қозий ёки ал-Коший тарзида ёзилган) ёрлиқ билан қирол Генрих III ҳузурига элчи этиб жўнатади. Шунингдек, Амир Темурнинг Усмонли турклар устидан эришган ғалабаси ҳақидаги хабарни Франция ва Англия қиролларига етказиш ниятида Соҳибқирон мактубларини олиб, Султония архиепископи Иоанн ҳам шошилинч Ғарбга йўл олади. Орадан

European kings came up with the id that only powerfull army of Amir Tem could possibly come against the Osma li Turks. They might take advantage causing a row between two rulers. order to accomplish this idea Manu II adressed to Amir Temur asking for release from Boyazidh's suppress. Adc tionally, they would agree to pay taxes Amir Temur from that time on.Genrix I the king of Castilia,pope of Rome, Bor fatsy IX sent their ambassadors and mi sioners for Amir Temur immediately. Tl war between Amir Temur and Boyazic happened near Ankara in 28 july of 140 As the result of a war Amir Temur w the winner. Amir Temur received Genr de Tastamara king of Castilia's amba sador Paydo de Soto Mayyor. Ambass dors congratulated with the victory ar showed their gratitude. As well as th Amir Temur was pleased with receivir ambassadors of Genrix III whose borde stetched with the country. He set free tl daughter of Greece king Angeliny, Katl and Mary and the captured golden statu of saint Michael.At the same time Am Temur sent one of his viziers Mohamme al Keshy with a badge to Genrix III. Als the clergyman of Sultanate went to We immediately in order to make awa kings of France and England about tl victory of Amir Temur. Ambassadors the king Castilia were sent for with tl endows to Samarkand after a year. Tl ambassadors along with one king's tru ted man was Gonsales de Clavikho (M hammed al Keshy was also with them They came to Samarkand 8 Septemb in 1404. Clergyman Ioann who had r ceived the answer to letters of kin of France Karl VI and king of Englan Genrix IV agreed to maintain relatio ship between Amir Temur and we tern kings. But there was no precis information about the kings confirm tion.

бир йил ўтгач, Кастилия қироли Генрих III элчиларини совға-салом ва ёрлиқ билан Самарқандга, Амир Темур ҳузурига жўнатади. Қиролнинг ишончли аъёни Руи Гонсалес де Клавихо бошлиқ бу элчилар (Соҳибқироннинг қирол Генрих III ҳузурига юборган элчиси Муҳаммад ал-Кеший ҳам улар билан бирга эди) 1404 йилнинг 8 сентябрида Самарқандда Амир Темур саройида ҳозир бўладилар.

Франция қироли Карл VI ва Англия қироли Генрих IV нинг жавоб номаларини олган архиепископ Иоанн ҳам Ғарбий Европа қироллари билан Амир Темур ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш ниятида 1403 йилнинг кузида орқага қайтади. Бироқ, Карл VI ҳамда Генрих IV ларнинг номаларини архиепископ Иоаннинг Амир Темурга топширганлиги хусусида аниқ маълумот мавжуд эмас. Профессор И.И.Умняковнинг тахмин қилишича, Амир Темур 1404 йилнинг кузида Самарқандга қайтиб келган ва юқоридаги мактубларни архиепископ Иоанн Соҳибқиронга йўлда топширган бўлиши ҳам мумкин.

Амир Темур билан Европа ҳукмдорлари ўртасидаги ёзишмаларнинг асли ва таржималари бугунги кунда Париж, Мадрид ва Лондон кутубхоналарида сақланиб келинади. Шундай ёзишмаларнинг бири Амир Темурнинг Византия императори Мануил II Палеологга ёзган мактуби бўлиб, унинг асл нусхаси сақланиб қолмаган, аммо номанинг бир оз бузиб таржима қилинган итальянча нусхаси тарихчи Марино Санудонинг **"Венеция дожаларининг ҳаёти"** номли асарида чоп этилган.

1402 йил 15 майда битилган мазкур мактубнинг мазмунига қараганда, Генуя ва Венеция ҳокимлари ўз жанговар кемалари билан Йилдирим Боязидга сувликдан ҳужум қилиб, Амир Темур қўшинларига мадад бўлишга ваъда беришган. Соҳибқирон уларнинг ўз ваъдаларига амал қилишларини талаб этиб, Византия императори Мануил II Палеологга юқоридаги мактубни йўллаган.

Мактубнинг итальянча таржима матнини ўрганган профессор И.И.Умняков уни рус тилига ўгириб чоп эттирган.

Professor Umnyakov suggests that Amir Temur returned to Samarkand in the autumn of 1404 and Ioann was probably submit these letters to Amir Temur.



TIMOUR.
*From an Original in the Bodleian Library*

The authentic copies and translations of correspondence between Amir Temur and ruler of European countries are still preserved in libraries of Paris, Madrid and London. One of them is written by Amir Temur and Byzantian Emperor Manuel II Paleolog. Its real copy was lost. But some mistranslated Italian copy of the letter was published in the work" The life of lords of Venice" by historian Marino Sanudo.

Conducting the research on the basis of this information Flossan's fellow orientalist

**Мактуб қуйидаги мазмунда:**

*“Александр билан қўшиб юборганинг монах Франческо етиб келди ва сенинг мактубингни менга топширди. Биз уни олдик ва ўқиб чиқдик. Биз сенга қуйидагиларни маълум этгумиз: сенинг мактубинг билан танишгач, бизнинг бу ерда осойишталик ўрнатиш мақсадида турғонимизга олдингидан ҳам ишончимиз ортди. Монах Франческо биринчи бор келган (вақт)даёқ менда ишонч пайдо бўлган эди. Трапезунд императори (Мануил III) унга (йўлда) анча қаршилик кўрсатибди, бу ҳол бизни ҳайратлантирди ва шул сабаб биз тангрининг иродаси билан у томонга (Трапезундга) юриш қилдик ва мен унга (Трапезунд императорига) сузишга шай бўлган 20 та кема тайёрлашни буюрдим. Алқисса, бизнинг айтганларимиз адолат юзасидан бўлган бўлса (барча буйруқларимиз Трапезундда сўзсиз бажарилиши шарти билан қабул этилган эди), ул ҳолда ушбу жойга (бизнинг қароргоҳимизга) элчиларимиз етиб келгусидир (уларни Трапезундда қолдирган эдик); унда шу ердан, яъни қароргоҳимиздан Йилдиримга қарши юриш бошламоғимиз даркор. Сенинг одамларинг бу ерга келишлари биланоқ, биз барча лозим бўлган масалаларни бамаслаҳат ҳал этгумиз. Шул сабабдан ҳам биз монах Франческони сенинг ҳузурингга қайтармадикки, Йилдирим Боязиддан тез орада элчи келишини кутмоқдасиз, чунки Боязид тарафдан элчи келаётгани ҳақида хабарлар олдик ва монах Франческо ҳам ўшал турк элчиси билан биргадир.*

*Агар Боязид сенга фуқароларинг яшайдиган ерларини ва қалъаларингни қайтаргудек бўлса, етказган талафотлари зарарини тўласа, унда мен у билан жангга кирмайман. Бундан чиқди, сен менга мол-мулкларингни қайтариб берганни ё бермагани хусусида ёзиб юбор”.*

Номадан маълум бўладики, уни Исҳоқ деган киши олиб борган ва Амир Темурнинг бошқа гапларини ҳам уларга етказган.

Ушбу нома 1402 йилнинг 15 майида битилиб, остига муҳр босилган.

**Соҳибқироннинг иккинчи мактуби** Кастилия қироли Генрих III номига битилган бўлиб, унинг испанча таржима нусхаси бизгача етиб келган. Ушбу мактуб Анқара жангидан кейин битилган ва уни Кастилия

Sylvester de Sasi was able to find the copi of letters of Amir Temur and king Karl and originals in the National Library fur in Paris.

In his research, he stated that Am Temur's two letters sent to king of Fran Karl VI, Miranshakh Mirza's lett in latin to the king of England Hen VI and a copy of KarlVI's letter to Am Temur were preserved in the Paris N tional Library. The scientist gives mo information about letter texts and the history in his research named" Th history of the correspondence betwee amir temur and King Carl VI" publishe in 1822.



қироллиги Соҳибқирон элчиси Муҳаммад ал-Кеший олиб борган. Мазкур номанинг испанча матни ва французчага қилинган таржимаси профессор Люсьен Керенниг 1990 йил нашр этилган "Амир Темур даврида Самарқанд йўли" китобида эълон қилинган.

Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI де Валуа (1368 – 1422) билан ёзишмалари хусусида илк бор француз тарихчиси Флоссан 1811 йилда эълон қилган "Франция давлати ташкил топгандан буён то қирол Людовик XVI ҳукмронлик қилган даврга қадар француз дипломатияси тарихи" номли тадқиқотида маълумот бериб ўтган. Ушбу маълумот асосида изланиш олиб борган Флоссаннинг ватандоши, шарқшунос Сильвестр де Саси Амир Темур ва Франция қироли Карл VI номаларининг асли ҳамда кўчирилган нусхаларини Париждаги Миллий кутубхона (аввалги қироллик кутубхонаси) фондидан топишга муваффақ бўлади.

Унинг ўз тадқиқотида маълумот берилишича, Париждаги Миллий кутубхонада Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га йўллаган икки номаси, Мироншоҳ Мирзонинг Англия қироли Генрих VI га йўллаган ягона мактубининг лотин тилидаги нусхаси ҳамда Франция қироли Карл VI нинг Амир Темурга юборган мактубининг кўчирилган нусхаси сақланиб қолган. Номалар матнини ва ёзилиш тарихини чуқур ўрганган олим 1822 йилда нашр эттирган "Амир Темур ва қирол Карл VI ўртасидаги ёзишмалар тарихи хусусида" тадқиқот ишида батафсил ёритган.

Сильвестр де Саси шундай маълумот беради: "Биринчи нома форс тилида узун ва энсиз қоғозга битилган. Қўлёзма ўн тўрт қатордан иборат. Хатнинг бошланиш тарафидан қоғоз энининг чорак қисмига тенг миқдорда жой қолдирилган. Нома битилган қоғоз анча қалин ва пишиқ бўлиб, ишланган жойи кўрсатилмаган, безаклари ҳам йўқ..."

Амир Темур номасининг тепасида "Бу соҳибқирон Темурбейнинг Француз қироли Карл VI га йўллаган мактубининг фор-

Sylvester de Sasi states the following information: "the first letter was written on a long and narrow paper in Persian. Manuscript consists of fourteen lines. There is space left equal to a quarter of the paper width. The written paper was rather thick and durable without decorations.

There was such a note on Temur's letter "this is Amir Temur's letter to Karl VI translated from persian into latin", it was written on Miranshkh's "Amirzade Miranshakh'sletter translated from persian into latin".Amir Temur's letter of latin version was thirty five lines long, while Miranshakh's was twenty nine lines long. it is obvious from the content of the letter by king CHARLES VI, he was grateful about Amir Temur's victory over Sultan Bayezit. In addition, Charles VI definitely agreed with the ruler's offer about exchanging ambassadors, and trade ties. Amir Temurs' letter to Charles VI and his wishes written in the letter was great honour for French king. Moreover, friendly relations established between rulers of Islamic world and Christian kings was approved by Rome pope. Pope's reliable delegator, clergyman Ioan was also trying to provide a peaceful life for Christians who lived in the countries under Temur's control.

In May of 1403, Castile's king sent his ambassadors to Samarkand Rui Gonsalis de Klavixo 's supervision to maintain friendly relations of Eastern Europe. The ambassadors delivered king's letter and gifts to Amir Temur.

The letter written on August 1, 1402 was the reply of Charles VI, king of France, to Amir Temur:

"I would like to inform Amiri Kabir that monk Franchisor has arrived with your letter, he set the forth about Amiri Kabir's generosity, courge and majesty that made us happy much. Moreover, he emphasized your campaign against our common enemy. With the guidance

сийдан лотин тилига ўгирилган нусхаси", Мироншоҳ Мирзо мактубининг тепасига эса "Амирзода Мироншоҳ номасининг форсийдан лотинчага таржимаси", деган ёзув бор. Амир Темур номасининг лотинча матни ўттиз беш қатор, Мироншоҳ мирзо номаси эса йигирма тўққиз қатордан иборат.

Франция қироли Карл VI мактубининг мазмунидан ҳам маълумки, Амир Темурнинг Султон Боязид устидан қучган зафари уни жуда хушнуд этган. Шунингдек, Карл VI ҳукмдорнинг ўзаро савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш, элчилар алмашиш ҳақидаги таклифларига сўзсиз розилик билдирган.

Амир Темурнинг Карл VI га йўллаган мактуби ва билдирган истаклари француз ҳукмдори учун катта шараф эди. Шунингдек, ислом олами ҳукмдорининг христиан қироллари билан дўстона муносабатда бўлаётгани Рим папасига ҳам маъқул тушганди. Папанинг ишонган вакили архиепископ Иоанн ҳам ўз хўжасининг хоҳиш-истагини бажариш ва Амир Темур қўл остида бўлган юртларда яшовчи христиан мазҳабидаги фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш учун саъй-ҳаракат қилаётгани аниқ эди.

Амир Темур ва Мироншоҳ Мирзо мактубларини Англия қиролига етказган архиепископ Иоанн бу ердан уларнинг номларига битилган икки мактубни олиб қайтади. Англия қироли Генрих IV Ланкаскар (1366–1413) нинг ушбу номалари нусхаси ҳозирда Британия қўлёзмалар музейида сақланиб келинади. Мактубларнинг фото нусхалари профессор И.И.Умняковнинг шахсий архивида ҳам мавжуд бўлган.

Ғарбий Европанинг кейинги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 1403 йилнинг майида Кастилия қироллиги ҳам Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини Амир Темур салтанати пойтахти Самарқандга юборди. Элчилар Соҳибқирон ҳузурида бўлиб, ўз қиролларининг нома ва совға-саломларини топширган эдилар.

Милодий 1402 йилнинг 1 августида, ҳижрий 805 йилнинг муҳаррам ойи аввалида ёзилган мактуб Франция қироли Карл VI нинг Амир Темурга жавоби эди:

of God, you will defeat the enemy. After that, the kingdom's Mor Khase ( here it may stand for clergyman Ioan) will be sent to you, he will inform you latest incidents.

We would like to ask you to send letters regularly since we will be able to know your health. Moreover, it is honor for us if Amiri Kabir sends his trades people, here everyone will respect them with no violence and damage. Because the world will flourish with trades people.

In the letter they notified to strengthen political ties between the two countries. It is obvious from the second letter of Amir Temur to Charles VI that their relations lasted long. The letter begins with a hearty gratitude, and continued that monk Jan ( perhaps he was a clergyman Ioan) let him know about the king and his condition, interest in trading, the king castle's magnificence and power, rules of the castle that made Amir Temur pleased. Then he explained why he was on bad terms with Turkish sultan Bayezid and appointed ways how to defeat him.

"Even though the sultan is a person of the same religion as me, he did not respect the agreement we had signed. Consequently, we and our friends have decided to conquer him.

"Institutes of Temur" says, "I cherished those who treated as a friend, I did not forget friendship and showed them great respect, charity, honor". The letter reflects the attention paid to improve friendship and good deeds between two sides:

"Accepting the tradition of warning about great affairs between great rulers and friends, we have sent archbishop Ioann to visit you so that he will tell you everything about our country and the current condition of ours and our enemies. Also, he will tell you about the current events held for the sake of our friendship and cooperation,

*"Амири Кабир ҳазратларига мустажоб бўлгувчи дуоларни етказишдан сўнг маълум бўлгайки, таълим бергувчи Кафар ("монах" маъносида. – тарж.) Франкас (Франческо. – тарж.) бу томонга ҳазратнинг мактубларини олиб етиб келди ва ул Амири Кабирнинг олижанобликлари, азаматлиги ва улуғворликларини баён этдики, бундан ниҳоятда хурсанд бўлдик. Шунинг билан бирга у сизнинг душманларимиз устига кўп сонли лашкар билан отланганингизни ҳам сўзлади. Аллоҳ таолонинг кўмаги бирла улар забун бўлгайлар. Бундан сўнг навқирон ходим – подшоликнинг Мор Хасеси (архиепископ Иоанн бўлса керак) хизматингизга юборилади. У сизнинг ҳузурингизда воқеаларни сўзлаб бергусидир.*

*Энди ул Амири Кабирдан илтимосимиз ва умидимиз шулки, бизга муборак мактубларини ҳамиша йўллаб турсалар, токи улар бизни Амири Кабирнинг саломатликларидан хабардор этиб, бу соҳада хотирамизни жам қилгай. Яна, ҳазратлари ўз тожирларини биз томон юборсалар ва бизда уларнинг ҳурмат-иззатлари сақланса, уларга ҳеч ким зўрлик кўрсатмаса, зиён етказмаса. Чунки дунё тожирлар билан ободдир!"*

Мактубда улар элчилик муносабатларини янада чуқуррок ўрнатиш тарафдорлари эканликларини маълум қилишган. Ва муносабатларнинг давомида кўрамизки, Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га йўллаган иккинчи номасида ҳам улар бир-бирларининг аҳволларидан яхши хабардор бўлишган. Нома "Бизким, Амир Темур Кўрагон сўзимиз..." деган самимий калом билан бошланиб, сўнгра Амир Темурнинг Шарқ архиепископи, фаранглар (бу ерда европаликлар маъносида) томонидан ҳукмдорнинг ҳузурига жўнатилган монах Жан (*балки бу шахс биз билган ўша Иоанн бўлиши ҳам мумкин*) қирол ва унинг аҳволи тўғрисидаги ҳикоясини эшиттани, тижорат аҳли ва бошқаларнинг манфаатлари тўғрисида ҳам қизиққани, қирол саройининг улуғворлиги, қудрати ва тартиб-қоидалари уни мамнун этгани баён этилган. Сўнгра турк султони Боязид билан ораларига совуқ муносабат тушгани-ю, уни маҳв

our respect toward you and your people. We recommend this person as both our and your representative, and you may listen to him as a spokesperson in all spheres except religious problems.

We wish you good health; may your and our people maintain friendly relationship so that our and your glory will be praiseworthy everywhere. Let us achieve the beneficial trade, as well."

Aforementioned letter was given to archbishop Ioann in Sivas on August 1, 1402.

The following lines from "Institutes of Temur" proves that this manual was in active use during his lifetime: "...I'm leaving the manual for ruling the government so that my children, and my descendants could use it for governing". Thus, Mironshoh Mirzo, Shahrukh Mirzo, and Muhammad Sultan were aware of it. For instance, Mironshoh Mirzo followed the steps of his father. His letter to the king of France is of much historical importance and it provides abundant information.



этилишининг сабаблари ҳам кўрсатиб берилган.

*"Ул султон мен билан бир тузум ва бир дин одами бўлишига қарамасдан, орамизда тузилган битимни ҳурмат қилмади,* – дейилади номада. – *Оқибат, биз ва дўстларимиз уни синдиришга азм этдик. Биродарларимизнинг даъвати ҳамда сизга берган ваъдамизга амал қилиб, сиз ва биз учун бир хил ғаним бўлгон Туркия султонига қарши юриш қилдик. Аллоҳнинг мадади бирла қисқа муддат ичида султон Боязиднинг бутун қўшинини тор-мор келтирдик".*

"Темур тузуклари"да: "Ким менга дўстлик қилса қадрладим, дўстликни унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим", дейилади. Номада ҳам ана шу эзгу одат, ўртадаги дўстона муносабатларни янада яхшилашга эътибор тўғрида аниқ айтилган:

*"Буюк ҳукмдорлар ва дўстлар ўртасида улуғ ишлар ҳақида бир-бирларини огоҳ этиш одатига бўйсуниб, мазкур архиепископ Жанни (Иоанн) сиз жанобларининг ҳузурига жўнатдик, токи ул киши бизнинг мамлакатимиз ва ҳозирги аҳволимиз, шунинг бирла, сўнгги пайтларда бул ўлкаларда бизнинг ғанимимизга нисбатан содир бўлган воқеалар тўғрисида сизни хабардор этсинлар, батафсил сўзлаб берсинлар. Тағин ул зот сизлар билан бўлган дўстлигимиз ва иттифоқимиз, сиз ва сизнинг одамларингизга ҳурмат-эътиборимиз ҳамда биродарлигимиз равнақи йўлида шу кунларда бажарилаётган кўпгина фойдали тадбирлар ҳақида ҳам ҳикоя қилгайлар. Ул зотни ҳам сизнинг, ҳам бизнинг одамимиз тариқасида тавсия этмоқдамиз: ул кишини диний масалалардан ташқари, бошқа барча масалаларда ишончли вакил, деб тинглагайсиз.*

*Бизнинг истагимиз – сизнинг саломатлигингиз устувор бўлсин: сизнинг ва бизнинг одамларимиз бу икки эътиборли мамлакат ўртасида ўзаро бориш-келиш қилсинлар, токи сизнинг ва бизнинг улугворлигимиз ҳамма ерда мақтовга лойиқ бўлсин. Тижорат ишларининг фойдали бўлувига ҳам эришайлик".*

Ушбу мактуб архиепископ Жанни жанобларига ҳижрий 805 йил муҳаррам ойининг биринчи (милодий 1402 йил 1 август) кунида Сивасда берилган.



"Showing friendly relations and respect to you and your people, our father and we have done and are still doing a lot of deeds... For this reason, we thank God and may our friendship develop more.

As for Christians, we would like to have them come safe and sound. We wish your people in our country and our people in your country were safety. All in all, despite the religious difference between us, especially for Christians' benefit we should keep our friendship."

The letter of June 15, 1403 by Charles IV to Amir Temur is written with high courtesy, respect and high potential, and it points

"Темур тузуклари"даги: "...салтанатни бошқариш ҳақида қўлланма ёзиб қолдирдим, токи фарзандларим, авлодим ва зурриётларимдан бўлганларнинг ҳар бири унга мувофиқ иш юритсин", деган таъкиднинг ўзи Амир Темурнинг ҳаётлигидаёқ мазкур қўлланманинг ҳаракатда бўлганига ёрқин ишорадир. Демак, Мироншоҳ Мирзо ва Шоҳрух Мирзо, Муҳаммад Султон ҳам ундан хабардор бўлган. Мана, бир мисол. Мироншоҳ Мирзо ҳам худди падари бузруквори каби йўл тутган. Бу борада у томонидан Франция қиролига ёзилган мактуб тарихий аҳамиятга эга эканлиги билан диққатга сазоворки, бу ноёб тарихий ҳужжатдан жуда кўп маълумот олиш мумкин.

*"Сизлар ва сизларнинг одамларингизга нисбатан дўстликка мойил бўлгон падари бузрукворимиз ва биз ҳам уларнинг ахборотларини ҳисобга олиб, кўпгина ишлар қилдик ва қилмоқдамиз... Бунинг учун Аллоҳ таологa шукроналар айтурмиз ва хоҳлаймизким, орамиздаги дўстлик янада камол топсин.*

*Тожирлар хусусида эса, биз истардикки, улар биз томонларга омон-эсон етиб келсинлар ва улар ҳозир ҳам шундайдирлар (насроний диндаги кишилар назарда тутиляпти), бизникилар сизларнинг юртингизда, сизникилар эса бизнинг юртларда хавф-хатардан холи бўлсинлар. Алқисса, сиз билан бизнинг ўртамизда диний тафовут бўлишига қарамасдан, биз бу дунёда барчанинг, хусусан, тижорат аҳлининг манфаати йўлида дўстликни авайламоғимиз зарурдир".*

Франция қироли Карл VI нинг 1403 йил 15 июнда Амир Темурга йўллаган навбатдаги мактуби ҳам ўта назокат, ҳурмат-эътибор ва юксак салоҳият билан ёзилган бўлиб, ўзаро инсонийлик нуқтаи назаридан Амир Темурнинг Европа учун кўрсатган хизматлари юқори баҳоланган ҳамда унинг савдо алоқаларига эътибори қайд этилган.

*"Қудратли ва музаффар ҳукмдор, маълумотингизким, шавкатли қироллар ва ном таратган подшолар ўзларининг диний мазҳабларидан, забони, дунёқараши ва қонунларнинг турли-туманлигидан қатъи назар, хоҳиш билдириб, иттифоқ бўлсалар, ошна тутинсалар, улар қўл остидаги аҳли фуқаронинг ҳам*

out Amir Temur's deeds done for Europe from humanity point of view.

"Powerful and victorious ruler! Hereby we would like to say that if valorous kings and famous imperials despite the difference in their religion, language, viewpoint and principles, have willing to cooperate, to become friends, they would preserve the safety of their population. Therefore, we would let you know that we have received your letter brought by archbishop Ioann and we have received your best regards, we got to know that you showed interest in our country's territory and our opportunities, that with the blessing of God we triumphed over Boyazid.



*тинч-осойишталигини таъминлаган бўлур эди. Шу боисдан, сиз шавкатли ва музаффар ҳукмдорнинг архиепископ Иоанн жаноблари орқали юборган номангизни оларканмиз, бу мактублар орқали сиз олий ҳазратнинг бизга саломлар йўллаганингизни, бизнинг мамлакатимиз майдони ва қироллигимизнинг имкониятлари хусусида маълумот сўраганингизни ҳамда Аллоҳнинг инояти бирла душманимиз Боязид устидан зафар қучганимизни билиб олдик.*

*Маълумингизким, бу номалар бизга биргина завқ бағишлаб қолмайдир, боз устига, сиз олий ҳазратларига маълум бўлганидек, бизнинг ва ўзга насроний давлатларнинг тожирлари сизнинг фуқароларингиз билан савдо-сотиқ қилсалар, ўз молларини хавф-хатарсиз олиб бориш, айирбошлаш имкониятига эга бўлсалар ҳамда сизнинг тасарруфингиздаги ерларда эмин-эркин юрсалар. Алқисса, ўзингиз айтганингиздек, биздан олдинги ҳукмдорлар даврида худди шундай бўлган. Ўз навбатида биз ҳам сизнинг улуғ илтифотингизга самимий, ўшал азму қарор бирла жавоб берурмиз, токи сизнинг одамларингиз ҳам бизникилар сизнинг мамлакатингизда бўлгани каби, сизнинг ерлар ва музофотларга келсинлар, савдо-сотиқ билан машғул бўлсинлар. Бу ишда бизнинг вафо қилажагимиз, ваъдамизнинг барқарорлигини ўртадаги элчимиз архиепископ Иоаннинг ўз оғзидан эшитгайсиз. Ҳазрати олийлари унинг содиқлиги ва бизнинг хайрихоҳлигимизни инобатга олиб, ул зотга ишонч билдирсалар. Бундан буён ул зот сизнинг измингиздаги мамлакатлардан биз тарафга ўтиш имкониятига эга бўлган он ўз фаолиятининг давоми борасида бизга ахборот бериб борур.*

*Ва, ниҳоят, сиз олий ҳукмдорнинг ўз қўл остингиздаги ўлкаларда яшаётган насроний мазҳабига мансуб фуқароларга нисбатан мурувватли бўлаётганингизни ҳам эшитдик, бунинг учун сизга ўз миннатдорчилигимизни баён этгумиздир" .*

Франция қироли Амир Темурнинг адолати, бағрикенглигини тилга олар экан, буни аввало ҳозирги Ўзбекистоннинг шаънига айтган дил сўзлари, деб тушуниш керак, зеро, ўша қадим анъаналар бугун ҳам давом этмоқда, бугун ҳам Ўзбекистонда



As you know, besides providing us enjoyment, these writings, also, would encourage us and other Christians trade freely with your people, bring their goods in safety and get the opportunity to bargain freely in your territory. In turn, we would also do you in the same way. Archbishop Ioann will pass in person our word to keep promise given by us. We would like you to take into consideration our loyalty and well wishes and we would like you to trust our ambassador. Once he gets your permission to step over your borders, as a part of his activity, he would inform us on further details.



130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари жамулжам бўлиб яшаётган экан, бу ўзбек халқининг бағрикенглиги, дўстликни ўта қадрлаётгани ва миллати, тили, диний эътиқодидан қатъи назар, барчани тенг инсон сифатида кўраётганининг бир ифодасидир.

Англия қироли Генрих IV Соҳибқиронга йўллаган мактубида ўзини "Англия ва Франция мамлакатлари қироли ҳамда Ирландия ҳукмдори" сифатида таништираркан, архиепископдан маълумот ва хушхабарларни эшитиб, беҳад шод бўлганини, "шу билан бирга сизнинг шавкатли ўғлингиз (Мироншоҳ Мирзо) юклаган топшириқлар билан Францияга етиб келган архиепископ огзидан эшитганимиз икки томонлама сулҳ ва ҳамкорлик ўрнатиш хусусидаги гаплар бизни беҳад севинтирди", дейди, шунингдек, ўзаро алоқалар доирасини кенгайтириш, мамлакатлар тожирларининг бир-бирлари билан, қадимда ота-боболар даврида бўлганидек, яна тараққий топишини таъкидлаб ўтади. Қирол назарда тутгани шу эдики, ҳақиқатан ҳам, 1215 йилда монах Доминик томонидан христиан монахлари жамияти Иезуитлар ордени (жамияти) тузилгач, аста-секин инқирозга юз тутди ва бу салбий ҳаракатлар натижасида Ғарб ва Шарқ ўртасидаги ўзаро дўстлик алоқаларига путур етган эди. Бу ўринда Амир Темурнинг мактублари бесамара эмас, балки унинг ҳар доимгидек, узоқни кўра билиб, борди-келдиларни тикламоқ ва бунга шарт-шароит яратмоқ ниятида экани янада ойдинлашади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, Амир Темур ва Темурийларнинг Европа қироллари, ҳукмдорлари билан ёзишмалари инсоният тарихида эзгуликка қўйилган ҳайкаллардир, зеро, халқларни бир-бирига яқинлаштириб, ўз юртини иқтисодий ва бошқа жиҳатлардан юксалтириб, ўзга юртларнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшадиган, одамзоднинг эмин-эркин яшаши учун шарт-шароит яратадиган ҳам аслида адолатли ва доно ҳукмдорлардир. Ана шу нуқтаи назардан, мазкур мактубларни

Last but not least, we would like to express our gratitude to you for your mercifulness toward Christians living in your territory under your reign."

The words said by the king of France to Amir Temur can be considered as heartfelt wishes sent to Uzbekistan. Hence, ancient tradition is still preserved since more than 130 nations and ethnicities inhabiting peacefully in Uzbekistan, and this reflects tolerance on behalf of Uzbek nationality, their keeping friendly atmosphere and treating everyone equally despite their ethnicity, nation, language, and religious beliefs.



In his letter to Amir Temur, the king of England Henry IV introduces himself as " the king of England and France, the governor of Ireland", and states that he "was extremely delighted to hear good news about cooperation and new tasks from Mironshoh Mirzo given to archbishop made us very happy". In 1215 after that foundation of Jesuits society by monarch Dominic, Christian monarch started to face crisis which lead to undermining the friendship relations between East and West. In this respect, Amir Temur's letters were efficient and they revealed his point of view, and well wishes.

As a conclusion, it is important to say that exchanging letters between Amir Temur, Temurids and European kings, governors was the firm footstep of good deeds taken in the history of humankind. Hence, fair and wise governors are the ones who integrate different nations, who

ҳар томонлама ўрганиш ва уларни оммага етказиш ҳам эзгу ишлардан бири ҳисобланади, билъакс, нимаики яхши бўлса, у инсоннинг маънан камол топишига хизмат қилади.

Таассуфки, Амир Темурнинг вафоти Ғарбий Европа қироллари билан ўрнатилаётган дипломатик муносабатларнинг тўхтаб қолишига олиб келди. Ваҳоланки, Соҳибқирон билан Европа қироллари ўртасида бу ёзишма ва элчилар алмашинуви натижаси ўлароқ, кейинчалик Ғарбда Амир Темур ва Темурийлар сулоласи тарихи, илму фани ва маданиятига бўлган қизиқиш ортиб борди. Европалик муаррихлар Соҳибқирон шахсияти ва у барпо этган қудратли давлатни таърифловчи рисолалар битдилар, ижод аҳли эса ўз асарларида унинг образини яратдилар ва яратмоқдалар.

uplift the economics of the country, who put effort in flourishing of the country and freedom of population. In this respect, it can be considered as a good deed to study all these letters and share them with the folks.

Unfortunately, the death of Amir Temur caused the delay of establishing diplomatic relations with the kings of Western Europe. Relations between Amir Temur and kings of Europe later raised Europe's interest in Amir Temur and Temurids Empire, their science and culture. European historians have written pamphlets featuring Amir Temur's personality and the great empire founded by him whereas writers, artists, poets have created and are still creating his image in their works.

# ЭЛЧИЛАРНИНГ ДИЛ СЎЗЛАРИ

## HEARTFELT WISHES OF AMBASSADORS

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач, турли мамлакатлар билан элчилик муносабатларини ўрнатди ва жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида фаолият кўрсата бошлади. Унинг географик жиҳатдан қулай маконда жойлашгани, ерости ва ерусти захира бойликларининг кўплиги, ўз салоҳияти ва қудратига, айниқса, давлатчилик борасида бой тарихга эга эканлиги, халқининг меҳмондўст ва меҳнаткашлиги, қолаверса, жаннатмисол бу диёр хорижликларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

2009 йил 9 апрелда Тошкентда Амир Темур ҳайкали пойида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Руберт Жой ўз нутқида қуйидагиларни таъкидлади:

*"Ўтган йил (2008)нинг июнида Ўзбекистонга элчи этиб тайинланганимдан унча кўп вақт ўтмай, бу юртдаги мен илк бор ташриф буюрган шаҳар кўҳна Шаҳрисабзда бўлди. 674 йил муқаддам Амир Темур шу шаҳар яқинида таваллуд топган. Биз Шаҳрисабзга тунда кириб борганимиз боис, унинг улугвор ёдгорликлари – Соҳибқирон барпо эттирган улкан Оқсарой обидасини эрта тонгдагина кўришга муяссар бўлдик.*

*Бу чиндан ҳам ақл бовар қилмас манзара эди. Эҳтимол, кўкка бўй чўзиб турган бу обида, Соҳибқироннинг саъй-ҳаракатлари ва*

After gaining its independence, the Republic of Uzbekistan established diplomatic relations with various countries and became equally right member of world community. Its geographically perfect territory, its abundant on ground and underground reserves, its rich history, greatness and potential, hospitable and hardworking population, its paradiselike condition have been attracting foreigners.

On April 9, 2009 Robert Joy, the ambassador of Great Britain has given the following speech under the statue of Amir Temur:

"Since June of last year (2008) when I was accepted as an ambassador in Uzbekistan, the first city I visited here was ancient Shakhrisabz.

674 years ago Amir Temur was born in this city. As we reached the city at night, we could visit its majestic monument- grand AKSARAY only in the morning.

It was really unbelievable scenery. Perhaps that monument was only one example of monuments built by Amir Temur. So far Aksaray has not kept its majesty and beauty wholly as at the time Spanish ambassador Klavikho described with surprise, of course. But fortunately, it is likely to say that well preserved majestic front dome monument is

*мақсади йўлидаги фавқулодда интилишлари кўламини бор бўйи билан мужассам этган ва ўзидан сўнг қолдирган кўпдан-кўп улуғвор ёдгорликларнинг фақат биттаси эди, холос. Бугунги кунларга қадар қаддини баланд тутиб турган Оқсаройнинг испан элчиси Клавихо бир вақтлар ҳайратланиб тасвирлаган маҳобати ва гўзаллиги бутунича сақланиб қолмаган, албатта. Бироқ бахтимизга худди ўша қурилган давридагидек сақланган муҳташам олд равоқли бино дунёнинг ярмини забт этмоққа муяссар бўлган инсонга қўйилган улуғвор ҳайкалдир, дегинг келади.*

*XV асрнинг бошларида Амир Темур салтанати гуллаб-яшнаган даврда менинг мамлакатим Европа чеккасидаги кичик ва туташ қироллик бўлиб, Соҳибқиронни султон Боязидга қақшатқич зарба бериб, эришган узил- кесил ғалабасидан ҳайратга тушган ва унинг таассуроти остида эди.*

*Менинг она юртимда Шекспирнинг замондоши, XVI аср инглиз драматурги Кристофор Марлоу 1587 йили ёзган машҳур «Буюк Темур» пьесасида биринчи бор Амир Темур образини яратди. Бу асар ҳамон бизнинг тасаввуримизни ҳаяжонга солиб келади. Елизавета Англияси драматурги учун Амир Темур комилликнинг ва дунёда эътибор қозонишнинг ўзига хос тимсоли бўлган эди. Орадан уч аср ўтиб, Викториан Англия ҳарбий тарихчилари учун бу сиймо жасур саркарда ва ҳарбий қудрат ифодаси сифатида намоён бўлди. Бугун ёш давлат ҳисобланган Ўзбекистонда, унинг она Ватанида, албатта, Амир Темур сиймоси алоҳида аҳамият касб этади ва буни Сиз, албатта, мендан кўра яхшироқ биласизлар.*

*Гарчи, Амир Темур юришлари қай бир даражада мунозарали туюлмасин, тарихчиларнинг барчаси унинг нафақат ҳарбу зарбда моҳир саркарда, балки улкан маданият ҳомийси – ҳайратланарли маданий мерос қолдирган беқиёс инсон бўлганлиги хусусида мутлақо якдилдирлар.*

*Умрининг тенг ярмини мусулмон давлатларда ўтказган бир инсон сифатида мен ислом меъморчилигининг ҳақиқий мухлисиман, –* дейди Руберт Жой сўзини давом эттириб. – *Қоҳирадаги ҳайратомуз исломий масжид-мадрасалар қошида маҳлиё бўлиб, бир неча бахтли соатларни ўтказганим, Сурия ва Арабистон ярим оролидаги улуғвор ислом ёдгорликларини*

likely to be as a statue of the person who o
cupied half of the world.

At the beginning of the 15th centu
Amir Temur's reign was flourishing,
that time my country was under contr
by him whose rage attack and victory ov
Sultan Bayazid made everybody asto
ished.

In my motherland, in 1587 English dr
matist Christopher Marlow wrote abo
Amir Temur in his "Great Temurlane" f
the first time. This work still make surpri
ing. Amir Temur was the symbol of perfec
ness and gaining the attraction of the wor
for the dramatist. After three centuries th
figure was described as a brave colonel ar
military power by Victorian England mi
tary historians. In this young country, in U
bekistan, the image of Amir Temur draws
special attention and you know better it tha
me. Although, there are different viewpoin
and debates about Temur's conquer, all hi
torians have the same attitude toward Am
Temur's talent as a colonel and sponsor o
culture who left endlessly surprising cultu
al heritage.

"As a person who has spent the half o
the life in moslim countries, I am fan of Islar
architecture " – Robert Joy says. He adds:
I will never forget spending some hour
watching breathtaking Islamic mosques an
madrasas in Cairo, glorious Islamic monu
ments in the Arabian Peninsula and Syria
traveling to attractive Fes and Morocco cit
ies in Morocco, endless queue of tourists t
see magnificent Al Khumro in the south o
Spain.

Everlasting monuments in the othe
part of Islam world left by Temurids ar
considered one of the pearls of Islamic ar
chitecture. I am happy to have seen these
glorious monuments. I simply adored pil
grimages – Shakhizinda, Amir Temur, Bi
bikhonim in Samarkand. These monuments
are considered to be the most marvelou
that human beings created. However, as fo
me the greatest and stronghold monumen

*томоша қилганим, Марокашдаги жозибадор Фес ва Марокаш шаҳарларига саёҳатларим, Испания жанубидаги муҳташам Ал-Ҳумро саройини кўриш учун сайёҳларнинг адоқсиз навбатида турганим кечагидек ёдимда.*

*Мусулмон дунёсининг бошқа бир чеккасидаги Амир Темур давридан қолган ўлмас обидалар ҳам ислом меъморчилиги дурдоналари билан бир қаторда туради. Мен мана шу улуғвор ёдгорликларни томоша қилиб, баҳра олганимдан бахтиёрман. Самарқанддаги Шоҳизинда, Амир Темур, Бибихоним номи билан боғлиқ зиёратгоҳлар ҳам менга жуда ёқди. Бу обидалар инсоният яратган энг муҳташам меъморий ёдгорликлар ҳисобланади. Бироқ мен учун Шаҳрисабздаги Амир Темур томонидан бунёд этилган Оқсаройнинг сақланиб қолган икки муҳташам пештоқи бу буюк зотнинг энг улуғвор ва маҳобатли ёдгорлигидир. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Мин шакка фи валоятино ва кароматино", яъни "Агар кароматимизга шубҳа қилсанг, шак келтирсанг, биз тиклаган иморатга боққил", деган сўзлари тез-тез тилга олинади. Бу муҳташам равоқларга назар ташлаган ҳар бир киши бугун ҳам Амир Темурнинг буюклигига асло шубҳа қилмайди".*

*"2010 йилнинг 26 январида, Франция телевидениесида* ***«Илдизлар ва қанотлар»*** *кўрсатувида Темурийлар сулоласининг бебаҳо меросига бағишланган лавҳалар томошабинларга манзур бўлди,* – дейди Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Франсуа Тотье. – *Миллионлаб ватандошларим ўша куни Самарқанду Бухоро ёдгорликлари томошасидан баҳра олиб, дилларида шу гўзал дурдоналарини бориб кўриш орзуси туғилди. Ахир жаҳон тамаддунида вақт ва замон суронларига бардош берган, номи тарих саҳифаларида муҳрланиб қолган шахслар саноқли бўлиб, тарихида шундай шахс яшаб ўтганидан фахрлана оладиган мамлакатлар ҳам оз. Шу боис Ўзбекистонда Амир Темур хотирасини қадрлаётгани хайрли ва тўғри ишдир.*

*Деҳлидан Эгей денгизигача, Хитой Туркистонидан Дамашққача бўлган ҳудудга эгалик қилган Амир Темур ғалабалари кўлами ҳақида тарихчилар, шу жумладан, француз тарихчилари Люсьен Керен ёки Жан-Поль Рулар томонидан берилган изоҳларга бугун ҳеч нарса қўшиш ниятим йўқ.*

of Amir Temur is two magnificent arches of Aksaray. As one famous Amir Temur's saying goes "Whoever is skeptical about our strength, they have to look at builds we constructed". Nobody makes doubt about Amir Temur's power as they glance at these ancient arches.

"On January 26, 2010 French TV released the documentary show called " Roots and Wings" dedicated to Amir Temur dynasty and their invaluable heritage and the audience found it intresting" – said Ambassador of France in Uzbekistan, Fransua Tote. " Millions of people from my country were given the opportunity to see monument of Samarkand and Bukhara and they would want to see these beautiful places. This in turn means that there are few historic figures who managed to survive from the threat of time and date. Also there exists less number of nations who are able to feel sense of pride for having such kind of people. For this reason it is fair as well as true that Uzbekistan is still valuing the memory of Amir Temur."

I can not agree more with the idea french historians Lusen karen and Jan Pol Ru who stated the scope of Temur's victories and the immense country which borders stretched from Delhi to the Egei Sea and some parts of China to Damask ".

I do not focus too much on cultural and spiritual Reneaissance and the soared development of Islam by Temureds in XV. It of course leaves much desire to scientists who doing research about Temureds.

I simply want to state that we owe this great man. Because there might not have been friendship and mutual relationship between two countries without this man.

It is predicted that more than 15 thousand French tourists are likely to visit Uzbekistan.This is the biggest number among Western tourists. It is known that the French people really love fine arts.

*Амир Темур ва Темурийлар томонидан XV аср ислом цивилизацияси чўққисига кўтарилган маънавий-маданий Уйғониш ҳақида ҳам кўп тўхталмайман. Бу, албатта, Темурийларни ўрганиш бўйича иш олиб бораётган мутахассислар ҳукмига ҳавола.*

*Мен, шунчаки, бу буюк зот олдида қарзимиз борлигини айтиб ўтмоқчиман, чунки бу инсонсиз икки давлат муносабатлари жадаллиги ва дўстлиги бугунги даражада бўлмаслиги мумкин эди.*

*Бу йил 15 мингга яқин француз сайёҳлари Ўзбекистонга ташриф буюриш бахтига муяссар бўлишлари кутилмоқда, бу Ғарб сайёҳлари орасида энг катта кўрсаткич... Франциялikларнинг ҳунармандчилик ва санъат асарларига қанчалик қизиқиши ҳаммага маълум.*

*Франция қироли Карл VI га йўлланган машҳур мактубида давлатларимиз ўртасида савдо алоқаларини ривожлантиришни таклиф қилган Амир Темур, шубҳасиз, бугунги кунда истаклари рўёбга чиқаётганини қайд қилишдан бахтиёр бўларди. Биз икки томонлама алоқаларимизни янада ривожлантириш тарафдоримиз. Ўзбекистон иқтисодиётига кўпгина Франция корхоналари қизиқиш билдирмоқда. Улар мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва янгилаш йўлида барча соҳаларда ўзларининг халқаро миқёсда тан олинган билим ва малакалари билан қатнашиш истагида.*

*Французларнинг Темурийлар меросига бўлган қизиқишларининг яна бир ижобий томони шундаки, алоқаларимизнинг жадаллашиши француз тилини ўрганилишига ижобий таъсир кўрсатади. Бугунги кунда 300 мингга яқин ўзбекистонлик ўқувчи-талабалар француз тилини ўрганмоқда. Француз тилини билиш бу нафақат халқаро тилни, 32 давлатнинг расмий тилини билиш, балки ўзбекистонлик ёшлар учун малакали мутахассис бўлиб етишишлари учун самарали воситадир.*

*Нутқим якунида Амир Темур хотирасини қадрлаш доирасида икки давлат томонидан йўлга қўйилган лойиҳа ҳақида тўхталиб ўтишга ижозат бергайсиз. Бу Самарқанд Археология институти, Тошкент Шарқшунослик институти, Шаҳрисабз шаҳар ҳокимлиги ҳамда Франциянинг Дордон департаменти*

It is notable to state that Amir Temur would really be grateful finding accomplishments of his dreams as he sent the letter to French king Carl VI proposing the improvement of trade relationships. We approve to develop mutual relationship much tighter. Many French concers show interest to Uzbek plants. They are inclined to take active part with their globally acknowledged skills experience to modernize and improve in each field.

The other beneficial aspect of the Frenchs' raising interest towards the heritage of Temureds is that development of our relationship effects positively on learning the French language. Nowadays nearly 300 thousand learners are learning French. Acquiring the French language means that they are not only learning one of the world languages, the official language of 32 countries, but also it is an effective way of becoming an experienced specialist for the youth of Uzbekistan.

At the end of my speech, let me make you aware of the project which is intended to appreciate the memory of Temur by both countries. The project is to reconstruct Aksaray in Shakhrisabz. It is being carried out in cooperation with Samarkand Archeological Institute, Tashkent Oriental Institute, The Government of Shakhrisabz and the Head Dpartment of Dordon in France. The construction of ornaments of the building is accomplished together. The contract related to this has already been signed. What else can show better our relations than this new Uzbek-French joint project in the city where Amir Temur was born?

I am totally convinced that this project will make contribution to enhance our relationship and will serve to further strenglhening our respect to the cultural and historical values of your country.

Japan experienced many rulers. They always show respect not only their native

*Бош кенгаши мутахассислари билан ҳамкорликда Шаҳрисабз шаҳридаги "Оқсарой"ни қайта тиклаш лойиҳасидир. Мазкур бинонинг ажойиб кошинларини тиклаш ишлари биргаликда амалга оширилади, бу ҳақда тегишли Шартнома имзоланган.*

*Амир Темур таваллуд топган шаҳарда амалга ошириладиган бу янги француз-ўзбек қўшма лойиҳасидан янада рамзийроқ нима бўлиши мумкин?*

*Ушбу лойиҳа бизнинг муносабатларимизни янада мустаҳкамлашига ва Францияда сизнинг гўзал ўлкангиз маданияти ва тарихий меросини янада севилишига ҳисса қўшишига ишончим комил".*

Япония ўз тарихида кўплаб буюк ҳукмдорларни кўрган. Улар нафақат ўз тарихларини, балки ҳар бир даврда мамлакат учун фидойилик кўрсатган шахслар номини ҳурмат-эътибор билан тилга олишади

Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси бўлиб ишлаган Йошихиста Курода 2012 йилнинг 9 апрелида, Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали пойида қуйидаги сўзларни фахр билан айтди:

*"Амир Темур таваллуд куни нишонланаётган қутлуғ айёмда йиғилганлар олдида сўз айтиш мен учун катта шараф. Айни пайтда, бу ерда сўзга чиқишга ҳаққим борми, деб ўзўзимга савол бергим келади. Жавоб ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, жуда кўп ўзбекистонликлар болаликданоқ, ўрта мактабда ўқиган даврлардан бошлаб Амир Темур номини жуда яхши билишади. Улар бу сиймонинг XIV-XV асрларда Марказий Осиёда салтанат тузган тарихий шахс эканини ҳам теран англайдилар. Мен эса, гарчи тарихчи бўлмасам-да, Марказий Осиё ҳақидаги китобларни, айни пайтда япон олимлари томонидан ёзилган рисолаларни ўқиб, Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейини томоша қилиб, шунингдек, Самарқандга ташриф буюриб, Амир Темур ва унинг даври ҳақида қўшимча билимларга эга бўлиб, бу улуғ сиймони ёрқин тасаввур этишга муваффақ бўлдим. Амир Темурни тарихий шахс сифатида ўйлаганда, энг аввало, менинг диққатимни тортган нарса замондошининг у ҳақда ёзган "бало-офатларда ғамга чўкмайдиган, хурсандлигу шодликларда совуққонли-*

history but also the other historic figures who made contribution to the development of the country.

Yoshikhista Kuroda , the ambassador of Japan in Uzbekistan stated the following in front of the monument of Amir Temur on April 9, In 2012.

"It is great honour to make a speech in front of the statue of Amir Temur. At the same time I wonder whether I have the right or not to. I want to emphasize these as an answer that many Uzbek people know about Amir Temur from very young age at school. They also have clear understanding of this very man who composed vast empire in Central Asia in the XIV-XV centuries. But as for me, not considering myself as a historian, managed to read books about Central Asia, and some articles written by Japanese historians and visited the Museum of Temureds in Tashkent and made a visit to Samarkand.On top of that I was able to have some information about Amir Temur and his reign. When I learned about Amir Temur the thing that crossed my mind was the definitons given by his contemporary about Amir TEMUR as " the person who does not trouble in difficult times, who is cold-blooded at happy times, who is brave and dynamic, whose order isn't cancelled ". These sayings affected on me great and I imagined Amir Temur as a brave ruler and I realized that he had three features such as willpower, wise and determination. As one of them says "cachou should be killed unless it sings the second if it should be made to sing and the last it is waited twilit sings".

Besides, in my opinion, there is one more person of modern times who can be seen as second Amir Temur. I consider this person as the hero of independent Uzbekistan. Undoubtedly, it is not difficult to notice that this truth is the honor and glory of Uzbekistan where I am working as an ambassador of Japan.

*гини йўқотмайдиган, сергайрат, соҳиби жасорат", "берган фармони бекор қилинмайдиган" каби таърифлари бўлди. Бу таърифлар менга ниҳоятда қаттиқ таъсир қилди ва мен Амир Темурни курашларда тобланган буюк саркарда сифатида яққол тасаввур қилдим ва у XVI-XVII асрларда яшаган учта машҳур тарихий шахснинг кучли ирода, донишмандлик, матонат каби уч фазилатини ўзида мужассам этган сиймо эканини англадим: улардан бири "какку сайрамаса, уни ўлдириш керак", дейди, иккинчиси, "уни сайрашга кўндириш керак", дейди, учинчиси бўлса, "унинг сайрашини кутиб туриш"ни айтади.*

*Бундан ташқари, назаримда, тарихий шахс тимсолидаги Амир Темурдан бошқа, бугунги замонамизда қайта туғилган иккинчи Амир Темур ҳам бор. Мен бу сиймони ҳам мустақил Ўзбекистоннинг қаҳрамони деб ҳисоблайман. Ишончим комилки, чуқур назар солинса илғаб олиш қийин бўлмаган бу ҳақиқат мен Япониянинг элчиси бўлиб ишлаётган мамлакат –Ўзбекистоннинг қудрати ва ифтихори тимсолидир.*

*Ўз халқининг қаҳрамони бўлмиш – шоён ноёб ҳодиса. Мен шундай қаҳрамони бўлган Ўзбекистон халқига ҳавас қиламан".*

2013 йилда Италиянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Минара Риккардонинг Амир Темур таваллуди тантаналарида сўзлаган маърузаси ҳам диққатга сазовордир. У ўз маърузасини "Амир Темур – буюк тарихий сиймо" деб номлади. Бу бежиз эмас, албатта. Италия билан Ўзбекистоннинг дипломатик муносабатлари узоқ тарихга бориб тақалади. Чунончи 1404 йилнинг ёз ойи охирлари ва кузида Кастилия қиролининг элчиси Гонсалес де Клавихо Термиз орқали Шаҳрисабзга, ундан Самарқандга етиб келган ва жуда кўплаб воқеаларнинг гувоҳи бўлган ҳамда "Самарқандга – Амир Темур саройига саёҳат кундалиги" асарини ёзган. Бу асарни ҳозирда дунё билади ва қадрлайди.

2003 йилнинг 27–29 январь кунларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Испания қироллигига қилган давлат ташрифи пайтида муҳим учрашувлардан бири – Мадрид шаҳри

Being the hero of his nation is rare phenomenon. I admire Uzbek nation who has such hero of their own".

Italy's ambassador in Uzbekistan, Minara Riccardo's speech delivered on the birthday of Amir Temur in 2013 is worth attention. He named his speech as "Amir Temur is a great historical figure". For sure, there is a reason behind it. Diplomatic relations between Italy and Uzbekistan trace back to far history. For instance, back in late summer and early fall of 1404 Gonzales de Clavijo, the ambassador of the king of Castilia, on his way to Samarkand through Termez and Shahrisabz experiences lots of things and writes his work "The trip to Samarkand – to the palace of Amir Temur". Nowadays the whole world knows and values this novel.

On January 27-29, 2003 one of the crucial meetings during the visit of Islam Karimov, the President of the Republic of Uzbekistan, his conversation with Jose Mari Albvars, the governor of Madrid, took place at the residence situated at the street the name of which was related to Rui Gonzales de Clavijo. Its symbolic meaning was in the fact that it was the meeting of two countries after 600 years. The history was repeated.

The ambassador Minara Riccardo emphasizes the importance of diplomatic relations between Uzbeks and Italians and states,

"The valuable information engraved on the marble slab in the Museum of Temurids makes it clear for any foreigner guests how much important is Amir Temur as a historical figure for Uzbekistan".

Amir Temur's activities are famous in Western world and alongside with other historical images he has his own mystery. Firstly, in Italians' viewpoint Amir Temur represents the image of legendary great person who could establish great empire in a short period. In our standpoint, his personality is related to his cap-

мэри Хосе Мария Албварс де Манзино билан суҳбат айнан Руи Гонсалес де Клавихо номи билан боғлиқ кўчадаги муҳташам бинода бўлиб ўтган. Бунинг ўзига хос рамзий маъноси шуки, орадан роппа-роса 600 йил ўтиб, яна икки давлат вакиллари юзма-юз учрашди. Тарих яна такрорланди.

Элчи Минара Риккардо жаноблари ўз маърузасида ўзбек ва италия халқининг қадим элчилик анъаналарига урғу бериб, бунинг аҳамияти борасида алоҳида тўхталиб ўтиб:

*"Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Темурийлар тарихи музейининг биринчи қаватидаги, шу ерда, ёнимиздаги мармар лавҳага битилган доно сўзлари ҳар бир хорижлик меҳмонга Амир Темур тарихий шахс сифатида Ўзбекистон учун қанчалик аҳамиятга эга эканлигини англаб олишга ёрдам беради"*, – деди.

Амир Темур фаолияти Ғарб дунёсининг барча кенгликларида маълум, унинг шахси, бизнинг мамлакатимиздан олисларда яшаган бошқа буюк тарихий сиймолар каби сеҳрли сир пардаси билан ўралган. Аввало, Амир Темур италияликлар назарида қисқа вақт ичида буюк салтанат яратишга муяссар бўлган афсонавий улуғ инсон қиёфасини ўзида мужассам қилади. Бизнинг идрокимизда унинг шахси давлат пойтахти этиб танланган Самарқанд билан боғланади, бу эса шаҳарга янада кучлироқ сирлилик ва жозиба бахш этади. Самарқанд Ғарб олами тасаввурида заминдаги шаҳар эмас, балки қандайдир афсонавий жой қиёфасини яратади. Сайёҳларни ўзига жалб қилган бу шаҳар Буюк ипак йўли чорраҳасининг маркази, у асрлар давомида Европани Хитой билан боғлаб келган, Ғарб ва Шарқ ўртасидаги нафақат товар, балки маданият, ранг, тил, оҳанг ва қиёфалар оқимига кўмак берувчи кўприк ҳисобланган.

*"Самарқандда меҳмон бўлиш биз, хориж кишиларига буюк Амир Темур меросидан ҳайратланиш имконини беради, – дея давом этди элчи. – Ноёб бадиий бойликнинг катта қисми унинг фаолияти маҳсулидир. Амир Темур Самарқандни гўзалликда беқиёс пойтахтга айлантирди. Шаҳар*

ital Samarkand, and this fact adds more mystery and charm to the city. In western world Samarkand is seen not just as an ordinary city but it represents a legendary place. This city which attracts the tourists' attention, is situated at the center of Silk Road's cross-road, and it has been connecting Europe and China for many centuries; it has played the role of bridge between West and East in terms of goods, culture, color, language, music and image.

"Being the guest in Samarkand gave us, foreigners, the opportunity to admire the heritage of great Amir Temur", says ambassador, "Most of unique literary work is the result of his activity. Amir Temur turned Samarkand into incomparably beautiful capital. Unique sketch of city architecture is found in the simplicity of architectural structure. This simplicity contains certain geometric symmetry polished by ornaments. Blue domes, beautiful mosaic, mosques that are considered as religious and cultural centres leave people in astonishment."

In Italy the period or Temurids is considered as a crucial part of Uzbekistan history, and this period is claimed as the Renaissance of Temurids. The great conqueror involved the best artists and architects of its time thereby mentions the governor Florence, Lorenco de Medichi. It is known that Medichi made his contribution to the development of arts and architecture, and turned Florence into flourishing city. Architectural constructions, palaces and churches follow that certain geometrical symmetry and creates the ancient atmosphere. Both Amir Temur and Medichi ruled the country not only with the help of weapon, but mostly they relied on strategic and diplomatic relations. In addition, they appear an intellectually and literary ideal representatives of Renaissance, as the ones who believe in their capability and self-confidence in achieving new horizons.

*меъморчилигининг ўзига хос чизгиси иншоотларнинг тузилмасидаги соддаликни излашдан иборат. Бу соддаликнинг асосида нозик безаклар билан сайқалланган қатъий геометрик мутаносиблик ётади. Мовий гумбазлар, бежирим мозаика, нафақат диний, шу билан бирга маданий марказлар ҳисобланган салобатли масжидлар ва мадрасалар кишини ҳайратга солади".*

Чунончи, Амир Темур ва Темурийлар замони Италияда Ўзбекистон тарихининг муҳим даври, деб тан олинади, бу замон Темурийларнинг Уйғониш даври сифатида ифодаланади. Улуғ саркарда ўз пойтахтига замонасининг энг яхши мусаввирлари ва меъморларини жалб қилган, бу билан Флоренциянинг машҳур ҳукмдори Лоренцо де Медичини эсга солади. Маълумки, Медичи санъат ва меъморчиликнинг ривожланиши ва гуллаб-яшнашига кўмак бериб, Флоренцияни XV асрнинг гуллаган шаҳрига айлантиришга муваффақ бўлган. Флоренция меъморий иншоотлари, саройлари ва черковлари ўзининг турлича қиёфасига қарамай, худди ўша қатъий чизиқли геометрик мутаносибликка риоя этиш асосида бунёд этилган бўлиб, бу қатъий мутаносибликда мумтоз қадимийлик уфуриб туради. Амир Темур ҳам, Лоренцо де Медичи ҳам ҳокимиятни фақатгина қурол билан эмас, кўпроқ стратегик ва дипломатик маҳорат билан қўлга киритганликларини таъкидлайдилар. Ва шу билан Уйғониш даври кишисининг интеллектуал ва бадиий идеали, ўз қобилиятларига ишонган, янги уфқларни забт этишда фақат қобилияти ва ишончига таянган инсон сифатида намоён бўладилар.

Медичилар оиласига қойил қолиш керакки, рассом Кристофан Дель Альтимоссимо яратган Амир Темур портретининг борлиги уларнинг хизматидир. Бу портрет Флоренциядаги ўтмишнинг буюк шахсларига бағишланган нуфузли Уффици музейи коллекциясида сақланади. «Турк ҳукмдорлари ва бошқа қаҳрамонларга» бағишланган залда Амир Темур портретидан ташқари, яна унинг рақиби, Усмонли турклар империяси султони Боязиднинг портрети ҳам сақланади.

Medichi's family is worth much respect that they have the portrait of Amir Temur drawn by Cristofan Del Altimossimo. This portrait is kept at the collection of Uffizi Museum in Florence. In the room devoted to "Turkish conquerors and other vallants" besides the portrait of Amir Temur, his rival, the sultan of Osman turk's empire Bayazid's portrait is kept, as well.

In 1402 after the defeat of Bayazid in Ankara, the glory of Amir Temur reached Italy. This battle starting from the Renaissance period caused the arousal of real iconography and literary traditions. Amir Temur earned Italian historians' respect due to his aspiration, energy and witty personality which helped him to become the great emperor in Asia.



1402 йилда Анқара яқинида бўлиб ўтган жангда Боязид бошчилигидаги турк қўшинлари мағлубиятга учрагач, Амир Темурнинг шуҳрати Италиягача етиб борди. Бу жанг Уйғониш давридан бошлаб ҳақиқий иконографик ва адабий анъаналарнинг туғилишига ҳам кўмак беради. Амир Темур итальян тарихчилари томонидан ўзининг интилишлари, ғайрати ва топқирлиги боис Осиёнинг буюк давлати ҳукмдори бўла олган саъй-ҳаракатлар киШиси сифатида эҳтиром қилинган ва юқори баҳолаб келинган. У ҳақдаги дастлабки маълумотлар Италияда Бельтрамо Миньянелли хизматлари туфайли XV асрга яқин пайтларда пайдо бўлиб, охир-оқибатда Поджо Браччолини муаллифлигидаги асарда кириб келди. Браччолини ўзининг ўткир қарашлари орқали Усмонлилар империясини мағлуб этган, XV асрнинг биринчи ярмида ўз қудрати, адолати билан бутун Ғарб дунёсида довруқ таратган буюк саркарданинг ҳайратомуз муваффақиятларини моҳирона тасвирлаб берган эди.

Амир Темурнинг шуҳрати флоренциялик таниқли сиёсий арбоб Никколо Макиавелли ижодида ҳам ижобий аҳамият касб этди. Унинг машҳур **"Подшоҳ" асари** яратилганига 500 йилдан ошди. Буюк Амир Темурнинг ноёб ҳаёт йўли ушбу асарнинг ҳиссий, мафкуравий ва сиёсий асосини ташкил қилган бўлиб, бу асар ғарбнинг янги сиёсий концепцияси шаклланишига Осиёнинг таъсири катта бўлганини эътироф этади.

Макиавеллининг подшоҳ ҳақидаги афсона сифат асари аслида тегишли давлат тартибини қуриш учун фақат ўзининг бемисл, илоҳийлик билан боглиқ бўлмаган иқтидорига мурожаат қиладиган сиёсий қаҳрамон сиймосини ифодалайди. Буюк саркарданинг сиёсий ва стратегик маҳорати Ғарб учун дипломатик оқилликнинг бевосита намунаси бўлган эди.

Амир Темур ҳарбий юришларни режалаштириш билан чекланиб қолган эмас, XVI аср тарихчиси Паоло Жовионинг талқинига кўра, бошқалардан ажратиб турадиган топқирлиги ва ўткир ақли уни

Initial sources about him appeared in Italy at the 15th century thanks to Beltramo Minanelli, and entered into Podjo Brachcholi's work eventually. Brachcholi could skillfully describe amazing success of the commander who was popular in western world for his might and justice.



The glory of Amir Temur takes positive place in the works by Niccolo Machiavelli. It is 500th anniversary of his well-known work "The king". The Great Temur's path of life is the emotional, ideological and political basis of the work, and this novel acknowledges the influence of Asia on the development of new political conception in the west.

Machiavelli's legend like novel about king features the image of hero who relies on his immeasurable and natural ability to reign the country. Great commander's political and strategic skill was a nice sample of diplomatic wisdom for west.

Amir Temur would never limit himself only with planning military campaigns, and according to the historian of 16th century Paolo Giovio, Amir Temur's gumption and sharp brain made him outstanding among others. Paolo Giovio's novel "History" is well-known to everyone. He has written this book during many years. In 1548 the historian devoted his bibliographical writing so-called Eulogy to

қаҳрамонона ишларнинг олдинги сафига чиқариб қўйди. **Паоло Жовионинг "Тарих" асари ҳам кўпчиликка маълум.** У бу китобни кўп йиллар давомида ёзган. Тарихчи 1548 йилда ўзининг улуғ кишилар таржимаи ҳолини шарафлайдиган Элогияларидан бирини Амир Темурга бағишлаган. Элогия Амир Темур одатда ўзи қамал қилган шаҳарлар атрофида уч кун ичида тиклайдиган учта чодир тасвири билан танилган. Бу образ Амир Темур ҳақида ҳарбий юришлари чоғида тикиладиган «қизил чодир» билан боғлиқ афсоналар тарқалишига сабаб бўлган.

Шунингдек, XVII асрдан бошлаб улуг саркарда образидан илҳомланиб яратилаётган кўп сонли саҳна асарлари ҳақида ҳам эслатиб ўтишни истардим. XVIII аср ўрталарида яшаган ўқувчи шубҳасиз, Амир Темур тарихи ҳақида энг батафсил ва аниқ ахборотга эга бўлган.

XVIII-XX асрлар оралиғида Амир Темур образи санъат оламида ўта машҳур эди. Антонио Вивальди 1735 йилда яратган асарни ҳам эслаб ўтишни хоҳлардик. Бу асарнинг марказида Боязиднинг асир тушгандан кейинги тақдири ётади. Унда Амир Темур истеъдодли ва кенг тарихий ҳиссиёт ва олдиндан кўра билиш қобилиятига эга бўлган мақсад сари интилувчан киши сифатида тасвирланган.

"Президент Ислом Каримовнинг сўзларига қайтиб, биз Амир Темур ва унинг давлат бошқаруви ишига қўшган ҳиссасини ёдга оламиз, – деди элчи жаноблари. – Унинг бу борадаги қарашлари машҳур «Тузуклар»да шакллантириб берилган бўлиб, бугунги кунда ҳам долзарб ҳисобланади. Шунингдек, унинг сиёсатидаги асосий тамойили – «Куч – адолатда» шиорини эслаймиз. Бунга кўра, давлатнинг қудрати унинг қиличи кучига эмас, самарали қонунчилик тизимига таянади. Шу боис буюк саркарданинг сўзлари алоҳида ҳурмат уйғотади: «Мен шундай тартиб ва интизом ўрнатдимки, бунда ҳатто бола ҳам салтанатимизнинг бутун ҳудудини бошида олтин тўла лаган билан кесиб ўтганда унинг бирон донасини йўқотмайди». Шу тариқа,

Amir Temur. Eulogy is famous for describing three tents that Amir Temur would set up around the city he has blockaded. This image caused the spread of legends about "red tent" set up during Amir Temur's military moves.

In addition, I would like to mention about the theatre plays of 17th century inspired by the image of great commander.

Amir Temur's image was popular during 18th-20th centuries. Here I would like to mention Antonio Vivaldi's work created in 1735. This work describes Amir Temur as a talented owner of broad historical sense and foreseer person.

"We go back to the words of the President Islam Karimov and remember Amir Temur and his contribution to the governing", said the ambassador, "his viewpoints concerning this problem are verbalized in his famous "Institutes" and is considered actual up to this time. Moreover, his political motto "The power is in justice" is worth mentioning. According to this motto, the government is built not on the power of sword, but on the power of effective law system. Therefore, the commander's the following words worth much respect: "I established such discipline and regulations that if a boy with a pot full of gold on his head crosses the whole territory,



барча ижтимоий синфлар, ҳунармандлар ва косиблар хотиржам ишлаб, ўз меҳнати самарасидан роҳат кўриш имкониятига эга эди. Шу билан бугунги кунда барчамиз англашимиз керак бўлган инсоний жамиятнинг идеал кўриниши намоён бўлади".

***Мазкур бўлим бўйича,*** хулоса ўрнида айтиш керакки, хорижлик элчиларнинг Амир Темур ҳақида билдирган фикрлари биз учун қимматли ҳужжатдир. Улар шу давримиздан, бугунги давлатчилик борасидаги ишларимиздан бир намуна сифатида тарихда қолади.

he will not lose a single piece of his gold". Thus, all representatives of social classes, artisans and handicraftsmen got the opportunity to work in safety and enjoy the result of their hard work. Hence, there appears ideal view of humanitarian society that we all should realize".

As a conclusion of this chapter, it is important to state that foreign ambassadors' opinion about Amir Temur is valuable document for us. They will remain in history as a sample of our activity in the state system.

* * *

## ФРАНЦИЯНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ, ЖАНОБ ЖАК АНРИ ЭЛЬСАНИНГ АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУДИНИНГ 680 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

**2016 йил 9 апрель, шанба, Тошкент шаҳри, Амир Темур хиёбони**

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун дунёнинг буюк ҳукмдорларидан бири бўлмиш Амир Темур таваллудининг 680 йиллик тўйида иштирок этаётганимдан гоят мамнунлигимни яширмайман ва бунинг учун фонд раиси жаноб Н.Н.Ҳабибуллаевга ўзимнинг миннатдорлигимни билдираман.

Алоҳида таъкидлар эдимки, бундан атиги 20 йил аввал Париж шаҳридаги ЮНЕСКО қароргоҳида Амир Темурнинг 660 йиллик таваллуди куни кенг нишонланган эди.

Гарчи Амир Темур номи ҳарбий юришлар уюштирган ҳукмдор сифатида тилга олинса-да, аслида у зот илм-фан ва санъат ҳомийси бўлиб, ўзидан бой маданий мерос қолдирган шахс деб эътироф этилади. Шу жиҳатдан қараганда, бугун ҳам ким гўзал Самарқандни бир кўришни орзу қилмайди, дейсиз?! ЮНЕСКО ташкилотининг дунёнинг нодир ёдгорликлар рўйхатига киритилган Самарқанд – Амир Темурнинг афсонавий пойтахтини бугун ҳам дунёнинг минглаб сайёҳлари келиб кўрмоқдалар ва улар орасида менинг юртдошларим кўпчиликни ташкил этаётгани кишини мафтун этади. Ўзингизга маълумки, Буюк Ипак йўли тарихига французлар катта

* * *

## THE EMBASSY OF FRANCE IN UZBEKISTAN SOLEMN CEREMONY ON THE OCCASION OF THE CHARITY 680TH ANNIVERSARY OF AMIR TEMUR'S BIRTHDAY ORGANIZED BY INTERNATIONAL PUBLIC CHARITY FUND OF AMIR TEMUR A SPEECH OF AMBASSADOR OF FRANCE IN UZBEKISTAN, MR. AKRI ELSA.

**Saturday, April 9 10:00, Amir Temur's square, Tashkent**

Mr. vice prime Minister

Mr. Minister

Mr. Director of National human rights center in the Republic of Uzbekistan

Mr. Chairman of International Charity Public Fund of Amir Temur

Mr. Chairman of Writers union

Ladies and gentlemen

It's a great pleasure for me to be invited to this event, dedicated to the celebration of the 680lh anniversary of Amir Temur's birthday, I would like to express a special gratitude of the Chairman of the International Charity Public Fund of Amir Temur, Nozim Habibullaev. I would also like to mention, that twenty years ago the 660th anniversary of Amir Temur was celebrated on the initiative of UNESCO.

Amir Temur's name is associated with a severe conqueror and also the patron of art and science, who left a rich cultural heritage. Indeed who doesn't dream to visit Samarkand one day. Included to the

қизиқиш билан қарайдилар ва ҳар йили келаётган сайёҳларимизнинг сони ошиб бормоқда, Ўзбекистондаги Француз элчихонаси бу борадаги саъй-ҳаракатларини янада юксалтириш ниятидадир.

Фурсатдан фойдаланиб, Париж шаҳридаги Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ташкилотининг раҳбари Федерика Брессанд хоним томонидан "Самарқанднинг ложувард гумбазлари" ҳамда "Шавкатли Самарқанд" китобларини нашр этилганини мамнуният билан тилга олиб ўтмоқчиман. Яна шуни айтмоқчиманки, Франция ташқи ишлар вазирлигининг қўллаб-қувватлаши ва ёрдами билан Дордон француз департаментининг бош кенгаши Ўзбекистон вакиллари ҳамкорлигида Шаҳрисабз шаҳридаги қадимий Оқсарой майдонидаги бебаҳо кошинкорлик намуналарини таъмирлашда фаоллик кўрсатди ва унинг тантанали очилишида қатнашганимдан бениҳоя хурсандман.

Амир Темур чиндан ҳам буюк ҳукмдор эди, унинг 1402 йилда Франция қироли Карл V1 йўллаган номасида ҳам ана шу жиҳатни кўриш мумкин. Бу номада у ўзларининг азалий ғанимлари бўлмиш Усмонийлар сулоласи Султон Боязид Йилдиримга қарши курашга чақирган ва уни асирга олган эди. Яна шуни алоҳида қайд этиш керакки, Соҳибқирон Амир Темурнинг буюклиги унинг икки мамлакат ўртасида савдо алоқаларини йўлга қўйиш орқали узоқни кўра билувчи ҳукмдор эканлигини ҳам намойиш этганди. Бугун ҳам Ўзбек-Француз алоқалари негизида ана шундай қадим анъаналарнинг ижобий томонлари алоҳида мазмун касб этмоқда. Албатта, ана шу тарихий номадан қисқа кўчирмани эътиборингизга ҳавола қилмасам, кўнглим жойига тушмайди:

"Бундан ташқари, ўзингизнинг савдогарларингизни биз томонларга юборсангиз, биз уларга ҳар томонлама кўмак ва ёрдам кўрсатишга, иззатларини жойига қўйишга тайёрмиз. Ўз навбатида, биз ҳам савдогарларимизни сизнинг мамлакатингизга жўнатишни ва уларга ҳам биз ўйлагандек, ҳурмат ва эътибор кўрсатилишини хоҳлардик. Ҳеч кимнинг бизга зулм ва ортиқча даҳмаза қилишига йўл қўйиб бўлмайди, зеро савдо аҳли туфайли дунё файзлидир".

Мана шу узоқни кўзлаб айтилган фикр билан сўзимни якунлайман ва эътиборингиз учун ташаккуримни изҳор этаман.

list of the world heritage of UNESCO, a capital of Amir Temur attracts thousands of tourists; many of my compatriots are among them. As you know a Great Silk road provokes an immense interest among French people, who composes a significant part of tourists to Uzbekistan, the Embassy of France in Uzbekistan encourages this initiative.

Let me mention such remarkable works as "Blue Gold of Samarkand", "Magnificent Samarkand", published by a president of the Association for studying the art and history of the Temurids, Frederic Bressan. Due to this interest to the Temurids epoch architecture, the general council of French department, Dordon under the support of the Ministry of International affairs of France in cooperation with Uzbek part made a decision to implement and finance the restoration of tile, located in the Ak Saray palace square in Shakhrisabz, which I had a chance to attend its grand opening.

Amir Temur was a great governor. Taking into account this fact, I would like to remind the letter which was written in 1402 by king Frans Karl IV. In his letter, he offered an allies against a common enemy- Osman Empire, Sultan Bayazid. We also know that in that letter he offered improving commercial ties which are realized today in French- Uzbek relations. I would like to read a passage from this letter:

Moreover, you should send your tradesmen to our country, and we will show them honour and respect. We will also expect the same honour and respect from your side. Nobody will commit violence on them. The world is developing due to the commercial contacts between countries.

I would like to finalize my speech on this point. Thank you for your kind attention.

**Федерика Брессанд,**
*Париж шаҳридаги Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ассоциацияси раҳбари*

**Federica Bressand,**
*the president of association of study Temurias history and culture in Paris*

# ТЕМУРИЙЛАР ЯРАТГАН БОҒЛАР

# GARDENS PLANTED BY TEMURIDS

*Жаҳон тарихида боғ яратиш санъати бўйича Аҳмонийлар сулоласидан сўнг Сосонийлар ҳам ўзига хос усулларни жорий этган, аммо боғ яратиш санъатининг олтин намуналарини фақат Самарқанд боғлари мисолида кўришимиз мумкин.*

*XIV аср охирида Турон давлатининг пойтахтига айланган бетимсол Самарқандда гўзалликда тенги йўқ боғлар барпо этилиб, шаҳар ва саҳро оралиғида бебаҳо муҳит яратилди.*

*Соҳибқирон Амир Темур ва Темурийлар даврида шаҳар ташқарисида чорбоғлар яратиш одат тусига кирган эди. Барлос қабиласидан чиққан бу ўғлон Самарқандни боғ-шаҳарга айлантириб, унинг шуҳратини янада оширди. Бу боғларга ҳар бир фуқаро келиб, Самарқанднинг олтинсимон ширин ўриклари, шафтолиларидан баҳраманд бўлиши, дам олиши мумкин эди.*

*Амир Темур жаннат боғининг форсча шаклини қабул қилди. "Paradis" сўзи қадимги форсча «pairi daeza» сўзидан келиб чиққан бўлиб, кейин "firdavs"-га айланди. Бу сўз замонавий форс тилида эса "деворлар билан ўралган боғ" маъносини беради. Боғ хиёбон шаклида 2 та асосий ўқ билан кесишиб, бир-бири билан туташади ва у 4 та қисмга бўлинади. Бу тўрт қисмга бўлиниш –*

It is well known that the art of planting gardens is the heritage left by Akhamanids and later by Sosonids. The golden age of creating of such plants is connected with Samarkand. Samarkand was the capital city of the empire created by Amir Temur at the end of the 14th century. Beautiful green gardens surrounded the capital city which served as a boundary between the city and the deserts.

Sokhibkiron Amir Temur who was descended from the leaders of normads and Temurids preferred to live not in the city but in the green gardens. Therefore they did their best to create good living conditions outside the city. They liked to go horseback riding in the gardens and deserts. The Temuridsdid their best to turn the city of Samarkand into a garden as well. Any citizen of the empire could come to these gardens, eat fruits especially famous Samarkand golden color peaches and have rest.

Amir Temur gave preference to Persian option of the paradise or Persian way of understanding the paradise. He used to call these gardens as "pairidaeza"which is the origin of modern "Paradise". Later this word-combination was pronounced as Paradise (or "Paradis" in other European languages). The word "firdavs" also originated from this word. In modern Persian (Iranian) language this word means "garden surrounded by walls". There's a prototype of this type of gardens in modern Persian language. In

*шаҳар боғ-олам бирлигининг тўртта қисмга бўлинишнинг космогонияга оид тизимидан келиб чиққан. Қадимги форс фалакиётига биноан, булар 4 та муқаддас унсурлар: олов, ҳаво, сув ва ердир.*

*Амир Темур шаҳардан ташқарида барпо этган ўндан ортиқ боғлар шаҳарга қараганда, ўзига хос иқлимни юзага келтирган эди. У бу боғларга ҳашамдор номлар берганди: Олам безаги (Нақши жаҳон), Шимол шамоли боғи (Боғи шамол – 1397 йилда Мироншоҳнинг қизи учун қурилган), Жаннат боғи (Боғи беҳишт), 1378 йилда Туман ақага атаб барпо этилган), Туман оқа Амир Темурнинг энг ёш хотини бўлган, Янги боғ (Боғи Нав) 1404 йилда қурилган ёки яна бир юракни мафтун этадиган боғ (Боғи Дилкушо) 1397–99 йилларда барпо этилган, Қалб қувончи боғи (Боғи Бўлди), шаҳзода Шоҳруҳ боғи 1394 йилда яратилган.*

*Мазкур жаннатмакон боғларни ўз кўзи билан кўришга муяссар бўлган Кастилия қиролининг элчиси Руи Гонсалес Клавихо 1404 йилда айнан шу боғларда Амир Темур ҳузурида қабул қилинган эди. У ўзининг саёҳатномасида қабул маросимларини, ҳарбий юришлардан қайтиш шарафига уюштирилган базмларни, никоҳ тўйларини ва бошқа қизиқарли воқеаларни икир-чикиригача баён этган. Бугун бу боғлардан ном-нишон қолмаган. Шунга қарамай, биз бу боғлар тасвирларини миниатюралар ёки қуйидаги жонли ҳикоя орқали тасаввур этишимиз мумкин: "Шаҳар атрофида шунчалик кўп боғ ва узумзорлар бор эдики, бирор-бир сайёҳ қачон келса, шаҳарнинг кўм-кўк денгиздек гўзал чайқалиб турганига гувоҳ бўларди. Ташқи боғларнинг ўртасида Темурбекнинг бош қароргоҳи жойлашганди".*

*Клавихо ўз кундалигида яна шундай ёзади: "Шаҳар ташқарисида жойлашган кенг боғ ва унинг ичидаги гўзал иморатлар мажмуасига етиб келдик. Темурбек бизни қабул қилган манзил – "Боғи дилкушо" деб аталади. Боғнинг ичида кўплаб чодирлар бўлиб, уларнинг айримлари ипак матодан тайёрланган. Кейин у (Темурбек) бу боғни тарк этиб, "Боғи чинор"га ва саройга келди. Бу боғ яқинда қуриб бит-*

such gardens two axes crossed the garden, thus dividing it into four parts. According to their understanding it is the picture of cosmogony. The planet is divided into four parts, each of them has its own river (i.e. four oceans).

Amir Temur created more than ten famous gardens. All of them were named after widespread names of Sosonids': "Naqshi Jakhon" which means "World Decoration", Boghi Shamol (a garden especially created for the daughter of Mironshah) which means "Northern Garden", "Boghi Bekhisht" – "The Garden of Paradise" created especially for Tumanaga who was the youngest wife of A.Temur, she was 12 years old, "Boghi Nov" – "New Garden" which was built in 1404, "Boghi Dlkusho" – "The Pleasue of the Heart" which was built in 1397-99, "Boghi Bulda" "Shokhruh Boghi" built in 1394.

The only witness of these famous gardens was the Ambassador of the Kastilio King-PioGonsalesKlaviho who had an opportunity to visit these gardens in 1404. In his memoirs he writes about all the meetings, official and unofficial talks, big events on the occasion of returning of warriors from wars, about grand weddings and about his other impressions. Today it is difficult to find these gardens. But we can imagine these gardens when reading the following extracts from the Ambassador's memories: "there were so many gardens of different fruits, grape gardens that it was impossible not to notice them. The suburb of the city looked much attractive compared with the city. Besides the impressive gardens consisting of different fruit trees there were magnificent and luxurious buildings. There was Amir Temur's Palace as well".

This is how the ambassador Klaviho describes the places he has had an opportunity to see during his visit: "We arrived at a big garden outside the city. There were many big buildings with interesting architecture. We were invited into the "Boghi Dilkusho" garden where one could see large tents, booths covered by silk materials. Later we moved to another garden which was called "Boghi Chinor". One could see that the trees were young and the buildings were recently built. After spending some time here we were led to the third

*казилган, чиройли ва жуда кўркам. Темурбек бу мулкини ҳам тарк этди ва жуда чиройли бўлган бошқа боққа борди. Бу боғнинг улкан дарвозаси бор. Баланд пештоқи олтин, ложувард кошинлар билан безатилган. Боғ жуда кўркам бўлиб, мевали ва сояли дарахтлари кўп. Унинг ўртасида ой шаклида чиройли қилиб безатилган бино қад кўтариб турарди. Кираётиб биз 3 та хуфия жой (эрмитаж)ни кўрдик. Пештоқ томон кирган киши энг катта хуфя жойдан чиқади. У ерда зарҳалланган кумушдан ишланган безакли тахт ва каравот, олтин иплар билан тикилган кашта парчалар тўшалган. Темурбек шу ерда тўхтади. Қирмизи рангли ипак мато гулқоғозлар, зумрад гардишли зарҳалланган кумуш ҳамда марварид ва қимматбаҳо тошлар деворларни безаб турарди".*

*Темурийлар боғлари баланд деворлар билан ўралган. Боғни ўқ каби кесиб ўтган йўлак тўғри иморатларга бориб тақалади. Атрофига тут ва чинорлар экилган, ёзда бу ерлар жуда соя-салқин бўлади. Бино олдида фаввbooрали ҳовуз мавжуд, боғда гўзал саройдан ташқари кушклар ва ўтовлар ҳам бор. Боғнинг тўрт қисми тўртта геометрик бўлакка бўлинган бўлиб, буни ҳақиқий боғ санъати намунаси дейиш мумкин, чунки уларнинг бирортасида ҳам таваккалчилик кўринмайди. Дарахтлар хиёбонларнинг узунасига бир текис экилган: қарағай ва сарвлар, жаннатнинг абадий яшил рамзлари – чинор ва толлар, ва ниҳоят мевали дарахтлар ҳам кўзга ташланади; гулларнинг шундай нодир хиллари экилганки, уларнинг бари кеч кузгача барқ уриб, хушбўй ҳид таратиб туради. Бундай чиройни кўриб, бу боғлар жаннатнинг Ер юзидаги такрори эмасми, дея ажабланасиз.Чиндан ҳам, боғнинг таърифи Темурийлар даврида достон эди, халқ уларда ором топар, санъат аҳли ўзларининг кўплаб асарларида, шоирлар эса шеърларида бу боғларни таъриф-тавсиф этарди, умуман, бир сўз билан айтганда, Самарқанд боғлари кўнгилга икки карра ҳузур бағишлайдиган жаннат жойлар эди.*

garden. There was a very attractive gate there. It was built of bricks of different color like green, golden in different forms. The gate was high and wide. There were many decorative and fruit trees. In the middle of the garden there was an unusual building that reminded us the moonlight. Having entered the palace we noticed three secret rooms. Entering the imposing entrance, i.e. portal we saw a throne made of venomous silver and a bed, covered with silk blankets decorated with string of golden pearls. TemurBek stopped in this room. The walls were decorated with colorful materials and flowers made of paper, precious stones and other jewels.

The architecture of Temurids' gardens was as follows: the "Chorbags" or citadels had walls from four sides. There was a straight well-built road that led to a central building. It was surrounded mostly by oriental plane and mulberry trees. The building itself was on the hillock with a swimming pool in front of it.

Besides this central building there were many other meeting rooms mostly built as tents. As has been mentioned above, the gardens were divided into four parts. It is worth to state that each of these four parts were divided into other four parts which are known in Persian as "Chorchaman" that can be translated into English as "flower bed" or "flower garden". In short, the gardens were well-planned. The trees were planted on the basis of strict order which may be qualified as "real garden building skill". The choice of trees, the way they were planted, the color of plants, plant growing and plant cultivation were carefully thought out as if the mentioned gardens were copied from real paradise. It is worth to mention specially the choice of flowers that were planted there. It has been done in a certain order, since there were not breaks in their blossoming from early spring to late autumn. The sizes of gardens were big enough. It seems there was a very special approach to the outstanding sizes of gardens and to the choice of different types of plants including fruit-trees, decorative trees and flowers in the epoch of Temurids. All this can be qualified by the help of one word-magic.

## АБАДИЯТ БОҒИ ЁКИ БОҒНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

*Ер юзидаги бу боғларнинг гўзаллиги миниатюра усталари ва моҳир кулоллар учун ҳам илҳом манбаи эди, улар бир-биридан ширин ва хушбўй меваларга ва Семург каби жаннат қушлари сайр этиб юрадиган бу боғларни ўз асарларида жонлантиришга ҳаракат қилардилар.*

*Темурийлар даври меъморлари бу жаннатий боғлардан нусха кўчирган эдилар. Самарқанддаги "Шоҳи Зинда абадият манзили" ана шу намуналардан биридир, ҳашаматли мақбараларнинг деворларини турли ислимий нақшлар билан безатганлар, турфа хил гулларнинг нафис нусхалари одамни ҳайратга солади. Буларнинг бари шарқнинг нафис санъат асари бўлмиш ипак матоли сўзаналарни эслатади. "Ҳар бир кишининг қалбида бу боғларнинг нақши муҳрланиб қолади", деб ёзади шоир Салаҳ Статие. Эҳтимол, шу боис* ҳам, Самарқанднинг кўк *самовий боғлари, муқаддас зиёратгоҳлари бизда катта таассурот қолдиради.*

## БОБУРИЙЛАР БОҒЛАРИ

*Темурийлар боғларининг анъанаси кейинги асрларда Афғонистон, Ҳиндистонда ҳам давом эттирилди. Бобурийлар сулоласининг асосчиси Бобур Мирзо ҳам бобокалони сингари гўзал боғлар яратиш шинавандаси эди. У 1508 йилда Адинапурда "Bogi Vafa" – "Вафо боғи" ни барпо эттирди ва "Бобурнома" миниатюраларида уларнинг акс эттирилганига гувоҳ бўламиз.*

*Ундан сўнг Бобурий подшоҳлар – Ҳумоюн, Акбар ва уларнинг авлодлари – Жаҳонгир, Шоҳжаҳон Деҳлида,* Агра, Лапор ва Кашмирда *мафтункор боғлар барпо этдилар. Бобурий подшоҳларнинг боғлари фақатгина сайр-томоша манзиллари бўлиб қолмасдан, улар ҳокимиятнинг сиёсий рамзини ифодалар эди. Бу боғлар Деҳлидаги Ҳумоюн мақбараси ва Аградаги Тожмаҳал атрофида барпо қилинган. Уларни ҳам жаннат боғлари дегинг келади.*

*Жаннат нусхаси саналган машҳур бу боғларда абадий баҳор ҳукм сурган. Улар гўзал ҳаёт қўшиғи бўлиб, Шарқ фалсафасининг*

## *THE GARDENS OF ETERNITY OR THE SECRET WORLD OF GARDENS*

Flourishing of such gardens in the world used to inspire the poets, writers and potters, they wrote about trees which produced golden fruits and about gardens where imaginary birds like Semurghs lived.

In the epoch of Temurids the most widespread thing was copying the impressive sides of those gardens to the pottery. In Samarkand in ShohiZinda graveyard the artists created the gardens of eternity, they produced outstanding works on the mausoleum portals including the lives of trees and lotus flowers. This is what the famous poet Rumiy wrote: " No one thinks about the dreams of the garden where the flowers are flourishing. This garden of eternity has become a place of mystic relations between material and mental wealth". According to Salakh Statue. "Each person has its own measures of good garden in his soul." Maybe because of this fact the secret sites of Samarkand impresses greatly the visitors.

## THE BABURS' GARDENS

Garden traditions of Temurids was continued by their successors in Afganistan and India. The founder of Baburs' empire Z.M.Bobur was an amateur of gardens. In 1508 he initiated the BoghiVafa-"Garden of Dedication" in Adinapur. This garden can be seen in the miniatures of "Boburnoma". The Baburs' empire leaders – Bobur and later Khumoyun, Akbar and their followers Jahongir, Shohjahon did their best to preserve the gardens created by their predesessors in Delhi, Agra, Lahor and Kashmir. These gardens were not only the place for having rest but they were the political symbol of the



*асл кўринишларидан бири ҳамдир. Бугунги шарқликлар ҳам ўз аждодларининг гўзал боғ яратиш намуналарини такрор намойиш этиб, бизни ҳам улардан баҳра олишга чорлаб турибдилар.*

*Темурийлар тарихи давлат музейи кичик илмий ходимлари – Д. Азизова ва К. Юнусовлар таржимаси.*

government. Some of these gardens later have become cemeteries. One of such gardens were founded near the KHumoyungrave in Delhi and Taj Mahal in Agra. These gardens were the best symbols of garden creation.

*Azizova Dilnoza, Yunusov Komiljon,*
*The researchers of the state museum of the History of Temurids.*

*Ажойиб музей, уни жуда қисқа муддатда, яъни саккиз ойда қурилганидан ҳайратландим. Сиэтл халқи Тошкентга келиб, сизнинг музейингизга ташриф буюриб бой маданият ва тарихингиз билан танишганида хурсанд бўлишига ишонаман.*

*Сиэтл мэри Лон Диаго. 10.03.1997.*

*Мен Ўзбекистон ўз келажаги учун тарихий илдизларига мурожаат қилаётганлигидан хурсандман. Бу музей ўтмишда яратилган буюк обидаларга тенгдир. Мен музейингиз коллекцияларини ҳозирча бошқа давлатларда сақланаётган Амир Темурнинг ҳақиқий ашёлари билан бойитишингизни тилайман.*

*Латвия ташқи ишлар вазири*
***Валдис Биркавс***
*11.04.1997.*

*Миллатнинг келажаги ўз тарихини қай даражада асраб-авайлашига боғлиқ. Биз Сизга ёрқин келажак тилаймиз. Сизда бунинг учун асос бор.*

*Воронеж шаҳри мэри **А.В.Ковалёв.***
*Воронеж шаҳри мэри ўринбосари **Е.П.Меркулов.***

*Ўз тарихини ва аждодларини ҳурмат қилибгина келажак авлод учун мустаҳкам пойдевор қуриш мумкин. Бу музей бағрикенгликни тарғиб қилувчи ҳақиқий маскандир.*

*Сизга катта раҳмат. Ва яна улкан муваффақиятлар.*

***Бузиашвили Юрий Иосифьевич***
*Москва, А.Н.Бакулев номидаги НУССХ , кардиология профессори.*
*21.04.2002.*

*This museum is beautiful. I am amazed to reach that it was built in only 8 months. I hope many people from Seattle will have an opportunity to visit Tashkent and this museum to learn about your history and culture.*

Lon Diego. *Mayor of Seattle. 10.03.1997.*

*I am very glad that Uzbekistan is applying to the sources of its history for the sake of its future. This museum deserves great creations of the past.*

*I wish you to fulfill your collections with real belongings of Amir Temur which are in the world museums.*

Valdis Birkavs.
*Foreign Affairs Minister of Latvia.*
*11.04.1997*

*In many cases the future of nation depends on how that nation helps and respects its history.*

*We wish you very bright future. You owe the basis.*

Kovalev. *Moyor of Voronej and*
*his deputy* Merkulov.

*Only respecting history and ancestors, it is possible to construct such kindness for the generation. This museum is the real kindness which everyone should realize. Thank you. I wish you more luck.*

*Professor* Buziashvili Yuri Iosifevich.
*21.04.2002.*

*Музейингиз маданиятингизни абадийлаштирадиган такрорланмас санъат асаридир. Бизнинг АҚШ Конгресси Делегацияси учун жуда қизиқ ва бир умрга унутилмас таассурот. Меҳмондўстлигингиз учун раҳмат!*

***Бил Арчер М.С.***
*Техас, АҚШ. 25.05, 1997.*

*Ўзбекистоннинг бой маданиятини янада кўпроқ билиш ва бу ажойиб Музейга ташриф буюриш мен учун катта шараф. Бу давлатга яна ташриф буюраман деган умиддаман.*

***Жим Хендерсон.***
*Колумбус, Индиана, АҚШ. 10.06.1997.*

*Бу маскан Ўзбекистон меросининг такрорланмас мисоли.*
*Бу ерда бўлиш биз учун катта шараф. Мен Президент Клинтон, рафиқаси ва бутун америка халқи номидан ўзбек халқини табриклайман.*

***Элчи Ричард Л.***
*19.06.1997.*

*Бу кўркам музей Ўзбек миллатининг буюк ўтмишини яққол мисоли ва келажагининг ажойиб башоратидир.*

***Жанкарло Арагон,***
*Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Бош Котиби. 12.07.1997.*

*Your museum is an extraordinary work of art perpetuation of your culture. Most interesting and enjoyable experience for our U.S Congressman delegation.*

*Thank you for hearty welcome.*

*Bill Archer. Taxes USA. 25.05.1997.*

*It was a great pleasure to visit this beautiful building and to learn more about the rich culture of Uzbekistan. Thank you for the very informative tour.*

*I look forward to returning.*

*Jim Henderson Chairman.*
*Columbus, Indiana USA. 10.06.1997.*

*This is a truly beautiful museum and celebration of Uzbekistan's heritage. It is a privilege to be here. Greetings of mine, President Clinton, his wife and all Americans.*

*Ambassador Richard L.*
*19.06.1997.*

*This splendid museum witnesses the great past of the Uzbek people and augurs well for the future.*

*Jan Carlo Aragon.*
*Secretary General of OSCE. 12.07.1997.*

***Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.***

***Мана шу қалбларимиз учун суюкли бинога кирган ҳар бир киши дунёни шон-шуҳрати ва ижоди билан тўлдирган мана шундай кишиларни келтириб чиқарган буюк исломдан фахрланиш туйғусини ҳис қилади. Маъракалар ва шаҳидлар билан тўла бўлган ушбу тарихга биз ҳам бегона эмасмиз. Ислом халқларини муҳаббат, биродарчилик ва келишмовчиликларсиз боғлаб турадиган мана шу бинони қурилишида ўз ҳиссасини қўшган барчага ташаккур.***

***Қувайт давлати,***
*Одил Абдуллоҳ Алфаллах.*
*04.08.1998.*

